

ISSN 2181-9521

№ 9-son, 2020



# ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL





# “МУСТАҚИЛЛИК ҒОЯСИ, ИСТИҚЛОЛ РУҲИ

*Халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 29 йиллиги “Сен – қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистоним!” шиори остида нишонланди. Бу шиорнинг тагида жуда катта маъно мужассам. Дарҳақиқат, бугун бутун дунёни қамраб олган ва инсоният бошига катта ташвиш келтираётган пандемия даврида ҳам Ўзбекистон қудрат манбаи экани ва саодат масканига айланаётгани яна бир қарра исботланмоқда. Бағрикенг халқимизнинг матонати, Президентимизнинг доно сиёсати туфайли мана шундай мураккаб шароитда ҳам мамлакатимиз шиддатли ислохотлар ва улкан бунёдкорлик майдонига айланди.*



**Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев халқимизни улуғ айём билан табриклаб, унда қуйидаги фикр-мулоҳазаларни билдирди:**

Биз қандай таҳликали ва суронли даврларни бошимиздан кечирмайлик, қандай ютуқ ва натижаларга эришган бўлмайлик, мустақиллик ғояси, истиқлол руҳи бизга доимо тоғдек таянч бўлмоқда.

Бугун чексиз ифтихор билан айта оламизки, донишманд халқимизнинг узокни кўра олиши, бирдамлиги ва фидойи меҳнати билан барча синовлардан муносиб ўтиб келмоқдамиз.



\*\*\*

Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айна ҳақиқат бўлади.

\*\*\*

Ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак: қанчалик қийин бўлмасин, қанча маблағ ва имконият талаб этилмасин, Ўзбекистоннинг биронта фуқароси ўз ҳолига ташлаб қўйилмайди.



# 29





# БИЗГА ДОИМО ТОҒДЕК ТАЯНЧ БЎЛМОҚДА”

\*\*\*

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари кенгаши сессиясида Суд-ҳуқуқ тизимида Ўзбекистон эришган амалий натижаларнинг эътироф этилгани бу борадаги фаолиятимизга берилган ҳолис баҳодир.

Юртимизда биринчи марта “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси” қабул қилинди.

\*\*\*


Юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, жиноятга оид қонунчиликни либераллаштириш, тўғри йўлдан адашган инсонларни соғлом ҳаётга қайтариш юзасидан ҳам тарихий қадамлар ташланди.

Сўнги пайтда жазони ўтаётган шахсларга нисбатан афв институти кенг қўлланаётгани халқимизга хос бағрикенглик ва инсонпарварликнинг амалий ифодасидир. Ана шу ишларимизнинг манتيқий давоми сифатида Мустақиллик байрами арафасида яна бир Фармонга имзо чекдим. Унга кўра, қилмишига чин дилдан пушаймон бўлиб, қатъий тузалиш йўлига ўтган 73 нафар шахс жазони ўташ муассасаларидан озод қилиниб, ўз оиласи бағрига қайтарилди. Шунингдек, 40 нафар фуқаронинг жазо муддатлари қисқартрилди.

\*\*\*

Мен турли синов ва курашларда тобланган, иймон-иродаси мустаҳкам халқимизнинг ақл-заковати ва азму шижоатига ишонаман.

Мана шундай буюк инсоний фазилатлар соҳиби бўлган, айниқса, бугунги синовли кунларда ўзининг матонати ва ҳамжиҳатлиги билан чинакам жасорат кўрсатаётган қаҳрамон халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан бош эгиб таъзим қиламан.



Саҳифаларни Шокир Алибеков тайёрлади.



**“ODILLIK MEZONI”**  
илмий-амалий,  
ҳуқуқий журнал

**Муассис:** Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги  
Судьялар олий мактаби

**Ҳамкорлар**

Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгаши,  
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

**ТАХРИР КЕНГАШИ**

**Кенгаш раиси**  
Убайдулла МИНГБОЕВ

**Кенгаш аъзолари**  
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ  
Дилшод АРИПОВ  
Комил СИНДАРОВ  
Илҳом НАСРИЕВ  
Малика ҚАЛАНДАРОВА  
Бехзод МЎМИНОВ  
Шерзод ЮЛДАШЕВ

**Бош муҳаррир**  
Арслон ЭШМУРОДОВ

**Навбатчи муҳаррир**  
Гулчехра ГУЛЯМОВА

**Сахифаловчи дизайнер**  
Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий  
аттестация комиссияси Раёсатининг  
2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори  
билан юридик фанлар бўйича диссертациялар  
асосий илмий натижаларини чоп  
этиш тавсия этилган илмий нашрлар  
рўйхатига киритилган.

**Манзил:** 100097, Тошкент шаҳри,  
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй  
**Электрон манзил:**  
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва  
ахборот агентлигидан 2019 йил  
27 августда 0972-рақам билан  
кайта рўйхатдан ўтган.

**Обуна индекси:** 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.  
Журналда эълон қилинган материал-  
лардан фойдаланилганда, манба қайд  
этилиши керак.

Босишга 28.09.2020 да руҳсат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ  
Бунюртга № 12  
Адади 2240

Баҳоси келишилган нарҳда

“SIFAT XIZMAT MEDIA” МЧЖ  
босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили: 100027, Тошкент  
шаҳри, Юнусобод тумани,  
Олой кўчаси, 1-уй

# МУНДАРИЖА

Кун мавзуси



**7**  
Суд ҳокимияти органлари  
фаолиятини  
рақамлаштириш одил  
судловга эришиш  
имконини оширади

Масъулият мезонлари

**12**  
Судьялар олий  
мактабининг илк  
қалдирғочлари судьялик  
лавозимларига муносиб  
кўрилмоқда



Жараён



**17**  
Имтиҳон тафсилотлари:  
магистратурага  
киришга қандай  
талаблар қўйилган?

Халқаро тажриба

**18**  
Муаллифлик ва  
турдош ҳуқуқлар  
муҳофазаси:  
АҚШ тажрибаси  
мисолида



Мулоҳаза



**20**  
Судлардаги  
процессуал  
мажбуриятлар

Тадқиқот

**23**  
Жиноят  
процессиди  
сунъий  
интеллект





**Инсон ва қонун** **26**

**Эгалик қилишни  
ҳимоялашнинг  
фуқаролик-ҳуқуқий  
механизмларини  
тақомиллаштириш  
масалалари**



**Важная тема** **43**

**Досрочное  
расторжение  
договора аренды  
земельных  
участков**



**Фуқаролик жамияти** **30**

**Судлар фаолияти  
очиқлигини  
таъминлашнинг  
ҳуқуқий асослари**



**Уголовное судопроизводство** **47**

**Международные  
стандарты  
в сфере уголовного  
судопроизводства в  
отношении детей**




**Хотира уйғонса, гўзалдир!** **34**

**Ҳар бир гапи  
ҳикмат эди,  
устознинг...**



**Очная ставка** **51**

**Тактические  
особенности  
производства очной  
ставки  
при расследовании  
мошенничества**



**Менинг фикрим** **35**

**Қарз  
муносабатлари  
қандай ҳал  
этилади?**



**About family issues** **55**

**Some aspects of  
family  
and matrimonial  
relations**



**Судебно-правовая реформа** **40**

**Шаги к  
эффективному  
обеспечению  
правосудия**



**International experience** **58**

**Trademark  
law in Canada**





## 2020 йил 3 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди

2021 йил 1 январдан бошлаб барча судларда суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан **аудиоёзудан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш** ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш;



2021 йил 1 июлдан бошлаб апелляция ва кассация инстанцияси судларида **ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш**;

2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча иштирокчиларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида “SMS” хабар орқали бепул асосда хабардор қилиш;



2022 йил 1 январдан бошлаб суд қарорларини иш бўйича тарафларга **онлайн тарзда**, уларнинг илтимосномаси бўйича эса қоғоз шаклида тақдим этиш;

2022 йил 1 июлга қадар суд ҳокимияти органлари фаолиятида, шу жумладан, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига одил судловга эришишда қулайлик яратиш мақсадида **10 га яқин интерактив хизматлар кўрсатишни** йўлга қўйиш;



2023 йил 1 январдан бошлаб суд ишларини давлат архивига электрон шаклда топшириш ва қабул қилиш;

судлар, Судьялар олий кенгаши ҳамда Судьялар олий мактабида ахборот-коммуникация технологиялари **инфратузилмасини янада яхшилаш**.



**28 та** давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ахборот тизимларини Олий суднинг ахборот тизимига босқичма-босқич улаш;

судлар томонидан давлат органлари ва ташкилотларига тақдим этиладиган маълумотларни электрон шаклда юбориш;

муайян ишни кўриш жараёнида зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни фуқароларни овора қилмаган ҳолда судлар томонидан **бевосита давлат органлари ва ташкилотларидан электрон шаклда олиш**;

судлар томонидан жарималарни камайтириш ёки уларни қўлламаслик масалаларини кўриб чиқишда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ва бошқа ахборот тизимларининг интеграцияси орқали **фуқаронинг мулкӣ ҳолати ва ижтимоий аҳволи ҳақидаги ишончли маълумотлар билан танишиш**;

судлар томонидан алимент миқдорини белгилашда туманлар кесимида ўртача ойлик иш ҳақлари тўғрисида маълумотларни ахборот тизими орқали электрон шаклда олиш.



**Судьялар олий кенгаши ва Олий суднинг 2022 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги тақлифларига розилик берилсин:**

Судьялар олий кенгашига судьялар, судьялик лавозимларига номзодлар томонидан электрон мурожаат қилиш, суҳбат жараёнида бериладиган **саволлар ва вазифаларни ахборот тизими ёрдамида автоматлаштирилган ҳолда танлаш**;



Судьялар олий мактабига унинг расмий веб-сайти орқали ариза ва мурожаатларни йўллаш, профессор-ўқитувчилар ва тингловчиларнинг рейтинг кўрсаткичларини электрон тарзда шакллантириш, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш курслари тингловчиларининг ўқув жараёнини **онлайн тарзда назорат қилиш тартибини ўрнатиш**.





# СУД ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ОДИЛ СУДЛОВГА ЭРИШИШ ИМКОНИНИ ОШИРАДИ

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНда амалга оширилаётган шиддатли ва тизимли ислохотларнинг туб замирида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини амалда таъминлаш орқали қонун устуворлигига эришиш гоёси ётади.**

**Мана шу улуғвор гоёнинг ҳаётий ифодасини топтириш мақсадида сўнги бир ой ичида, биргина суд тизими фаолиятини бугунги кун талаблари даражасида такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та фармони қабул қилинди.**

**2020 йил 3 сентябрда Давлатимиз раҳбарининг “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори имзоланди.**

**Мазкур қарорнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, унда белгиланган вазифалар ижросининг таъминланиши фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш имкониятларини янада кенгайтириш ҳамда эркинлаштириш учун шароит яратади.**

**Қуйидаги давра суҳбатида ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти тўғрисида батафсил танишасиз.**



**Актам ХАЙТОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари.

– Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари ҳисобланади.

Президентимиз томонидан имзоланган “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори бу борада навбатдаги қадам бўлди.

Унга мувофиқ, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнининг онлайн кузатиб борилишини таъминлаш, шунингдек, махсус ахборот дастурларини жорий этиш орқали судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш суд ҳокимияти органлари фаолиятини

рақамлаштиришнинг кейинги босқичдаги вазифалари этиб белгиланди.

Ушбу қарорга асосан Олий суд 2020 йил якунига қадар суд мажлисларида видеоконференцалоқа режимида иштирок этиш имконини берувчи мобил дастурни ишлаб чиқади ва уни амалиётга жорий этади.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, уни фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қила оладиган мустақил давлат институтига айлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларни тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз ва ушбу қарорнинг Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан илгари сурилган дастурий вазифаларига мослигини алоҳида эътироф этамиз.

Бинобарин, партиямиз учун қонунчилик ва суд-ҳуқуқ соҳаси доимо муҳим аҳамият касб этиб келган. Биз судлар фаолияти очиқлиги ва ошкоралигининг кучайтирилиши, «электрон ва рақамли суд» концепциясининг амалга оширилиши, судлар томонидан ўз фаолияти ҳақидаги ҳисоботларнинг халқ депутатлари Кенгашларига тақдим этилиши, маҳалла, корхона ва ташкилотларда сайёр суд йиғилишлари ўтказилишини адолатли суд гарови, деб биламиз. Биз учун суд фаолияти ва мустақиллигининг энг муҳим мезони: фуқаролар ва тадбиркорлик субъект-



ларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларининг ҳимоялангани, адолатли судлов таъминланганлиги ҳамда яқуний ва барқарор суд қарорларининг қабул қилинганлигидир.

Хулоса шуки, бугунги давр судлар томонидан фуқаролар ва тадбиркорларга кўрсатиладиган интерактив хизматлар турини кенгайтириш бўйича ишларни жадаллаштиришни талаб этмоқда. Мазкур қарор суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш, судлар ва бошқа идоралар ўртасида маълумот алмашинувини яхшилашга хизмат қилиши, шубҳасиз.



**Шамсиддин  
ТОЖИЕВ,**  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Олий суди судьяси:

– Ҳақиқатдан ҳам бугунги кунда судларда ишларни кўришда кўпгина вазирлик ва идоралар билан маълумот алмашинуви уларнинг ахборот тизимлари ўзаро интеграция қилинмаганлиги сабабли асосан қоғоз шаклида амалга оширилмоқда. Бу амалиёт бугунги ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган бир шароитда судлар фаолиятининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб айтганда, Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори суд органлари фаолиятини бугунги тезкор замон талаблари асосида такомиллаштиришда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

### **Қарорда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштиришнинг кейинги босқичдаги вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:**

- *биринчидан, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнининг онлайн кузатиб борилишини таъминлаш, суд биноларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш;*
- *иккинчидан, судларда одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олинишини таъминлаш учун вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан электрон маълумотлар алмашинувини янада кенгайтириш;*
- *учинчидан, махсус ахборот дастурларини жорий этиш орқали судьялар ҳамжа-*


*мияти органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш;*

- *тўртинчидан, суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан, мобил қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имкониятини кенгайтириш, шунингдек, иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини онлайн тарзда олиш имкониятини яратиш;*

- *бешинчидан, суднинг ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва бошқа дастурий маҳсулотлари ахборот ва киберхавфсизлигини таъминлаш, хизмат ахборотлари ва маълумотларини комплекс ҳимоя қилиш бўйича чораларни кучайтириш.*

2021 йил 1 январдан бошлаб барча судларда суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзудан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш тизими жорий этилади. Демак, судья иш кўраётган жараёнда процессуал хато ва камчиликларга йўл қўймаслик чораларини кўриши керак. Акс ҳолда, унинг иш жараёнларидаги хатолар ўз-ўзидан кўриниб қолади. Гап шундаки, бу тизимнинг яратилиши, биринчи навбатда судьяларимизга катта масъулият юклаши, табиий.

Юқорида санаб ўтилган асосий вазифалар ижросининг таъминланиши жисмоний ва юридик шахсларнинг суд органларига мурожаат қилишлари учун бир қатор имкониятлар туғдиради. Алоҳида таъкидлаш жоизки, қарорда назарда тутилган вазифалар фақатгина фуқаролар ёки тадбиркорларга қулайлик яратиб қолмасдан, ўз навбатида, судья ва суд тизими ходимларига ҳам кўплаб қулайликлар яратади ва энг муҳими суд органлари фаолиятида процессуал қонунлар талаблари бузилмаслигига қатъий риоя қилиш вазифасини юклайди.



**Фазлиддин ЧОРИЕВ,**  
Жиноят ишлари  
бўйича Қарши туман  
суди раиси:

– Мазкур қарорда белгиланган вазифалар, жумладан судга мурожаат қилувчиларга кўрсатиладиган замонавий интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш, айниқса, бугунги пандемия шароитида фуқароларимиз соғлигини асраш нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эга.



Сабаби, жисмоний ва юридик шахслар уйдан ёки ишхонасидан чиқмасдан туриб судга ариза, шикоят ёзиш ёки бошқа масала бўйича онлайн тарзда электрон мурожаат қилиш имкони яратилади. Айтиш керакки, фуқароларнинг судга мурожаат қилиш имконияти такомиллаштирилса, суд ишларини кўриш жараёни қанчалик шаффоф ва очиқ амалга оширилса, судга мурожаат қилган фуқаро ёки юридик шахсларнинг суд идораларига ишончи шунчалик ортади.

Масалан, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнининг онлайн кузатиб борилишини таъминлаш масаласи, бевосита мурожаатни кўриб чиқаётган судья ёки суд тизими ходимида унинг шу жараёндаги фаолияти кузатилиб турилганининг ўзи ўша мутахассиснинг касбига нисбатан алоҳида масъулият билан ёндашишини талаб этади. Бунинг натижасида мурожаатлар ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилиб, суд ишларининг тезкорлиги ортисига эришилади. Мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича қонунда белгиланган муддатлар бузилмаса, низоли масалалар қонуний ва адолатли ҳал қилинса, одил судлов даражаси юксалади.

Суд мажлисларида тарафларнинг илтимосномаси бўйича раислик этувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш тартибининг амалга оширилиши суд муҳокамаларининг очиқлиги, ошкоралиги ва шаффофлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Ва ўз навбатида бу механизмнинг жорий этилиши ҳам судьяларда суд мажлисларини процессуал жиҳатдан белгиланган талабларга қатъий риоя этган ҳолда олиб бориш борасидаги масъулиятини янада оширади.

Шунингдек, қарорда барча ишда иштирок этувчи шахсларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида "SMS" хабар орқали бепул асосда хабардор қилиш тартиби жорий этилиши кўзда тутилаётганлиги ҳам бежиз эмас. Чунки, суд амалиётида баъзи ҳолларда тарафларнинг суд мажлиси тайинланган кун ва вақти ҳақида хабардорлигини таъминлаш масаласида айрим муаммолар ҳам бўлади. Бу эса, ишларни ўз вақтида кўриб чиқишга салбий таъсирини ўтказади. Шу нуқтаи назардан иштирок этувчи шахсларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида "SMS" хабар орқали бепул асосда хабардор қилиш тартибининг йўлга қўйилаётганлиги суд мажлисларини ўз вақтида ўтказилишини, тарафларнинг суд муҳокамасида иштирокини таъминлашда ва энг асосийси суд ишларини адолатли ҳал қилишда муҳим омил бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, суд органлари фаолиятини ахборот коммуникация технологиялари орқали рақамлаштирилиши бугунги куннинг энг муҳим талаби бўлган тизимда электрон муносабатларни йўлга қўйишга олиб келади.



**Элдор ҚУРБОНОВ,**  
Судьялар олий мактабининг Ўқув бўлими бош мутахассиси:

– Ушбу қарор билан суд органлари фаолиятини бугунги кун талаблари даражасида ривожлантиришга қаратилган иккита муҳим ҳужжат тасдиқланди. Бири суд органларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш билан боғлиқ кўплаб вазифаларни қамраб олган ва 24 та банддан иборат 2020-2023 йилларда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш дастури бўлса, иккинчиси 28 та бандни ўз ичига олган Судларнинг ахборот тизимларини давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш бўйича "йўл харитаси"дир.

Алоҳида таъкидлаш керакки, мана шу иккита ҳужжатда белгиланган вазифаларнинг тўлақонли ижро этилиши Ўзбекистон суд тизими ривожланишининг янги истиқболлини белгилаб беради.

Дастурнинг тегишли бандларида Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби олдида ҳам бир қатор муҳим вазифалар қўйилган. Хусусан, унинг 10-бандида Судьялар олий мактабида симуляция суд мажлиси залига суд мажлисини аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиш ҳамда видеоконференцалоқа тизимини жорий қилиш орқали суд мажлисларини ўтказишнинг ўқув ва намойиш этиш имкониятини яратиш масаласи назарда тутилган. Мазкур вазифанинг ижросини таъминлаш юзасидан айна пайтда Олий мактаб кафедралари мудирлари ва профессор ўқитувчилари билан биргаликда амалий ишлар бошланди. Тўртта суд йўналиши бўйича тингловчилар иштирокида суд процессларини профессионал даражада дои-





мий равишда ўтказиб бориш амалиётини йўлга қўйиш бўйича алоҳида Режа ишлаб чиқилмоқда.

Шунингдек, мазкур Дастурнинг 13-бандида профессор-ўқитувчилар ва тингловчиларнинг рейтинг кўрсаткичларини электрон тарзда шакллантириш, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш курслари тингловчиларнинг ўқув жараёнини онлайн тарзда назорат қилиш тартибини ўз ичига олган Судьялар олий мактабининг ахборот тизимини ишлаб чиқиш вазифаси ҳам қўйилган.

Таъкидлаш керакки, Дастурда ва “Йўл харитаси”да қўйилган вазифаларнинг самарали амалга оширилиши Судьялар олий мактаби фаолиятини рақамлаштирилишига олиб келади. Натижада Олий мактабда таҳсил оладиган, малакасини оширадиган тингловчилар учун кўплаб қулайликлар яратилади.



**Миркомил  
МИРМАКСУДОВ,**  
*Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди раиси:*

– Суд органларини рақамлаштириш ҳақида фикр юритилганда, айтиш керакки, Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ–3250-сон Қарори билан тасдиқланган 2017-2020 йилларда Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш Дастурининг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган

ишлар натижасида судларга масофадан туриб мурожаат қилиш, суд мажлисларида видеоконференция алоқа тизимидан фойдаланиб иштирок этиш, судьялар ўртасида ишларни автоматик тарзда тақсимлаш, суд қарорларини Интернет тармоғида эълон қилиш, ижро ҳужжатларини электрон шаклда мажбурий ижрога юбориш механизмларининг амалиётга жорий этилганлиги ўзининг самарасини бериб келаётган эди.

Президентимиз томонидан 2020 йил 3 сентябрь куни имзоланган “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори суд тизимини рақамлаштиришнинг янги бир босқичини бошлаб берди.

Биринчидан, суд органларида кўриладиган барча ишлар қонуний, асосли ва адолатли ҳал этилиши учун зарур бўлган ахборот ва маълумотларнинг тезкорлик билан олинишини таъминлашда вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан электрон маълумотлар алмашинуви муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчидан, қарорнинг тегишли бандларида назарда тутилган янги турдаги интерфаол суд хизматларини жорий қилиш, масалан, суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан, мобил қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имкониятини кенгайтириш, шунингдек, иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини онлайн тарзда олиш имкониятини яратиш бу айнан суд процесси иштирокчиларига қулайликлар беради. Бугунги кундаги амалиётда суд қарорларини олиш учун баъзи бир қийинчиликлар ҳам учраб турибди. Шу тариқа муаммо бартараф этилади.

Учинчидан, 2022 йил 1 январдан бошлаб иш бўйича суд қарорларини тарафларга онлайн тарзда, уларнинг илтимосномаси бўйича эса қоғоз шаклида ҳам тақдим этиш суд органлари ишларини соддалаштиришга, ортиқча қоғозбозликларнинг олди олинишига сабабчи бўлади. Энг муҳими, тарафларга уларнинг илтимосномаси бўйича судга такрор-такрор мурожаат қилиш зарурияти бўлмайди. Табиийки, ушбу тартибнинг амалиётга тадбиқ этилиши судьяларнинг илтимосномаларни кўриб чиқиб уларга асослангилган жавоб қайтаришга сарфланадиган вақти тежаллишига олиб келади. Албатта, тарафлардан қайси биригадир суд қарорининг ёзма нусхаси керак бўлса телефонограмма орқали кўнғирок қилиб мурожаат қилиши мумкин.

Мазкур қарорда суднинг ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва бошқа дастурий маҳсулотлари ахборот ва киберхавфсизлигини таъминлаш, хизмат ахборотлари ва маълумотларини комплекс ҳимоя қилиш бўйича чораларни кучайтириш лозимлиги ҳам белгилаб қўйилмоқда.







**Шерзод МАМИРОВ,**  
*Жинойат ишлари  
бўйича Навоий шаҳар  
судининг раиси:*

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида концептуал аҳамият касб этаётган 2017-2021 йилларда мамлакатни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи йўналиши – Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришни амалга ошириш доирасида “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш, аҳоли учун давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини ҳаётга татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу муҳим масала мамлакатимиз суд органлари фаолиятига ҳам босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Бугун биз фикр-мулоҳазаларимизни баён қилаётганимиз жорий йилнинг 3 сентябрда Президентимиз томонидан имзоланган “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида суд тизимини рақамлаштириш билан боғлиқ кенг қўламли вазифалар белгиланган.

Хусусан, Судларнинг ахборот тизимларини давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш бўйича «Йўл харитаси» га асосан 28 та давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ахборот тизимларини Олий суднинг ахборот тизимига босқичма-босқич улаш, судлар томонидан давлат органлари ва ташкилотларига тақдим этиладиган маълумотларни электрон шаклда юбориш, муайян ишни кўриш жараёнида зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни фуқароларни овора қилмаган ҳолда судлар томонидан бевосита давлат органлари ва ташкилотларидан электрон шаклда олиш каби қўлай тизим ишга туширилиши белгиланди.

Судлар томонидан жарималарни камайтириш ёки уларни қўлламаслик масалаларини кўриб чиқишда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ва бошқа ахборот тизимларининг интеграцияси орқали фуқаронинг мулкӣ ҳолати ва ижтимоий аҳволи ҳақидаги ишончли маълумотлар билан танишиш, судлар томонидан алимент миқдори белгиланганда туманлар кесимида ўртача ойлик иш ҳақлари тўғрисида маълумотларни ахборот тизими орқали электрон шаклда олиниши кўрсатиб ўтилди.

Қарордаги яна бир муҳим жиҳат, эндиликда Олий суд ахборот тизими билан давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимларини интеграция қилиш орқали жисмоний ва юридик шахслар ҳақидаги мавжуд маълумотлар судларнинг электрон сўрови бўйича бепул асосда тақдим этилади.

2022 йил 1 январдан бошлаб давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бошқаруви органлари, адвокатлар томонидан судларга даъво, ариза ва шикоятларни фақат электрон шаклда тақдим этиш, манфаатдор шахслар томонидан даъво, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш жараёнини онлайн тарзда кузатиб бориш, суд мажлиси иштирокчилари томонидан маълумотлар ва ҳужжатларни электрон шаклда юбориш жорий этилади.



Шунингдек, суд ҳужжатларини судлар фаолиятига жорий этилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда автоматлаштирилган равишда шакллантириш вазифалари қўйилди.

Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда жазони ижро этиш муассасаларида махсус хоналарни маҳбусларнинг суд мажлисларида ва суд раҳбарияти қабулларида видеоконференсалоқа режимида иштирок этишлари имконини берувчи ускуналар билан жиҳозлаш чораларини кўриш каби муҳим вазифалар белгиланди.

**Замонавий демократик давлат ва очиқ, эркин фуқаролик жамияти ҳаётида “адолатни қарор топтириш” суд идоралари орқали амалга оширилган экан, суд органлари фаолиятини рақамлаштириш долзарб аҳамият касб этаверади.**

**Мана шу нуқтаи назардан ҳам “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор суд органлари фаолиятида туб ўзгаришларга мустаҳкам замин яратади.**

**Давра суҳбатини  
Арслон ЭШМУРОДОВ тайёрлади.**



*“Муносиб топилган номзодларни камида бир йил ўқитиб, тайёр судья сифатида лавозимга тайинлаш тизimini жорий этиш зарур. Бунинг учун Судьялар олий кенгаши қошида Судьялар олий мактабини ташкил этишни таклиф қиламан.”*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

## СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИНИНГ ИЛК ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ СУДЬЯЛИК ЛАВОЗИМЛАРИГА МУНОСИБ КЎРИЛМОҚДА



*Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори билан 2019 йилда мамлакатимиз тарихида биринчи марта ташкил топган Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг магистратура таълим босқичини муваффақиятли тамомлаган Олий мактабининг илк қалдирғочлари бугунги кунда судьялик лавозимларига тайинланмоқдалар. Бу жуда қувончли ҳол...*

*Шу муносабат билан мухбиримиз Олий мактабни тугатиб, илк бор судья сифатида фаолиятини бошлаган ҳамда эндиликда ўтказиладиган танлов имтиҳонларига тайёрланаётган илк битирувчилардан интервью олди.*



**Шухратжон ҚУРБОНОВ,**  
Жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти Янги-қўрғон туман судининг раиси:

### АДОЛАТНИ ЮЗАГА ЧИҚАРИШ ҲАР БИР СУДЬЯНИНГ КАСБИЙ БУРЧИ

– Мамлакатимизда сўнги йилларда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш соҳасида халқаро стандартларга мос равишда мутлақо янги бир тизим ишлаб чиқилганлигининг гувоҳи бўлдим. Бундан кўзланган мақсад суд ҳокимияти-

нинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд органлари орқали ишончли ҳимоя қилишдир.

Алоҳида таъкидлашни истардимки, бугунги замон талабларига ҳар томонлама жавоб берадиган етук ва салоҳиятли кадрларни тайёрлаш мақсадида мамлакатимиз тарихида илк бор ташкил этилган Судьялар олий мактаби хорижий мамлакатлар тажрибаси билан миллий амалиётни уйғунлаштирган ҳолда магистрларни ўз касбига содик, билимли ва тажрибали кадр бўлиб етиштириш борасида муайян ишларни амалга оширганлигини ўз кўзим билан кўрдим.

Мен Олий мактабни тамомлаб, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг тегишли қарорига асосан жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти Янгиқўрғон туман суди раиси лавозимига тайинландим.



Судьялик ваколатимни амалга оширишга киришар эканман, Судьялар олий мактабида фаолият юритаётган юқори салоҳият, кучли билим ва тажрибага эга профессор-ўқитувчилар ҳамда ҳуқуқшунослар, шунингдек, амалиётчи судьялар томонидан астойдил олиб борилган дарс машғулотларида ўрганган билим ва кўникмаларимни судьялик фаолиятимда жуда қўл келишига ишонаман. Мазкур даргоҳдаги устозлар замонавий ахборот технологияларидан моҳирона фойдаланиб, бизни ҳам ўқув биносида жойлашган кутубхона ва ахборот ресурс марказидаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга чорлади.

Айниқса, Судьялар олий мактабида илгари судьяларни тайёрлаш, малакасини ошириш курсларидаги ўқув жараёнларида мавжуд бўлмаган психология фанининг чуқурлаштирилган ҳолда маҳорат билан ўргатилиши бўлажак судьяни вазифасини бажаришга киришган вақтда, яъни, суд мажлисига раислик қилишида катта амалий ёрдам беради.

Мен билан бир сафда Судьялар олий мактабида бир йил давомида таҳсил олган тенгдошларимга қарата – барчамиз мамлакатда суд тизимни нуфузини юксалтириш борасида бор куч ва билимимизни сафарбар этиб, бу йўлда учрайдиган қийинчиликларни метин ирода билан енгиб ўтишимиз шарт деб баралла айтаман. Чунки, судья сифатида адолатни юзага чиқариш учун, биринчи навбатда, жамият ҳаётидаги янгиланишларга ҳамоҳанг равишда мавжуд қонунларни қўллаш олишимиз лозим.

нимга кўп бўлмасдан, Судьялар олий кенгагининг қарори билан фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилояти Урганч туманлараро судининг судьялигига тайинландим. Бугунги кунда судьяликдек жуда масъулиятли лавозимда ишлаш, ўз устида тинимсиз ишлашни, доимий изланишни талаб этади. Менга билдирилган бундай юксак ишончни ҳалол ва пок виждон билан оқлашга ҳаракат қиламан. Ва ўрни келганда ушбу таълим-тарбия муассасасида судьялик касб сирларини ўргатган, билим берган, тарбиялаган устозларимга чексиз миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Судьялар олий мактабида биз тингловчиларга судьялик фаолиятини олиб бориш, суд ишини ташкил қилиш, касбий этика ва психология, ишни олиб бориш тактикаси, хорижий тилларни ўрганиш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, ҳуқуқни қўллаш бўйича малакали профессор — ўқитувчилар, катта маҳоратга эга таниқли судьялар таълим жараёнида ўқув машғулотларини олиб боришди. Айниқса, жаҳондаги ривожланган давлатлар тажрибаси ўрганилиб, “судьяни судья ўқитади” деган тамойил асосида юксак касбий маҳоратга, кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган изланувчан ва талабчан судьяларнинг магистратура тингловчиларига дарс ўтиши мақсадида жалб этилганлиги аудиторияда замонавий педагогик услублар билан амалиётнинг уйғунлашувини яққол намойиш этди. Бу эса бизни нафақат малакали кадрлар, балки “замонавий судья” бўлиб етишимизда замин яратди десам, адашмаган бўламан.



**Файрат МАТЯКУБОВ,**  
Фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилояти Урганч туманлараро судининг судьяси.

**ЗАМОНАВИЙ СУДЬЯЛАРНИ ТАЙЁРЛОВЧИ ОЛИЙ ДАРГОҲ**

– Янги тартибга мувофиқ, 2020 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Судьялар олий мактабининг бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича ўқишни муваффақиятли تامомлаган шахсларгина судьялик лавозимига тайинланади.

Мен мазкур даргоҳда ўқиб, унинг биринчи қалдирғочларидан бири бўлганлигимдан фахрланаман. Қаранг, Олий мактабнинг бир йиллик магистратура босқичини тугатга-







Дарҳақиқат, мен Судьялар олий мактабини судья бўлишни орзу қилган номзодларни суд ишини тўғри ташкил қила оладиган, назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлган, судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси талабларига қатъий риоя қиладиган ва бошқаларни ҳам шунга ундайдиган, муаммоли ҳолатларда тез ва тўғри ҳаққоний қарор қабул қила оладиган, халқ дарди билан яшайдиган замонавий судья сифатида шакллантира оладиган олий даргоҳ деб биламан.

Айтиш лозим бўлса, ушбу “маҳорат мактаби”да ўқишнинг бошиданок тажрибали судьяларнинг низоларни қандай қилиб адолатли ҳал этиш борасида берган кўрсатмалари мен ва курсдошларим учун “ақл”га тўғри маънодаги “кучли зарба” бўлган экан. Бу эса ҳозирги вақтда фуқаролик процессуал ҳужжатларини тузиш, меҳнат, уй-жой ва оила билан боғлиқ суд ишларини кўриш жараёнларида қўл келмоқда.



**Жасурбек АБИДОВ,**  
Андижон вилоят  
Хўжабод туманлараро  
иқтисодий суди судьяси:

### **МАГИСТРЛИК ИШИ ҲИМОЯСИ “ZOOM” ДАСТУРИ ОРҚАЛИ ЎТКАЗИЛДИ**

– Шарафли ва масъулиятли судьялик касбини эгаллаш мақсадида, захирада турган талабгорлар қаторида Судьялар олий мактабининг иқтисодий йўналиши бўйича магистратура босқичига кириш синовларида иштирок этдим ва қабул қилиндим.

Эътироф этиш лозимки, 2019/2020 ўқув йили мобайнида бизга дарс жара-

ёнларида ривожланган давлатларнинг судьялар тайёрлаш ўқув юртлари билан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари ёрдамида интернет тармоғи орқали онлайн тарзда мулоқот олиб бориш ва уларнинг электрон ўқув адабиётларидан фойдаланиш имконияти яратилди. Мактаб раҳбариятининг ташаббуси билан ҳар ойда камида битта бадиий китоб ўқиш ва ўқиган китоби асосида қисқача эссе (таассуротини) ёзиш каби амалиётнинг жорий этилганлиги тингловчиларнинг маънавиятини юксалтириш баърида уларнинг ёзма нутқи ривожланишига ҳам ижобий таъсирини кўрсатади. Ёзма нутқнинг шаклланганлиги эса, амалиётда суд ҳужжатларини ёзиш борасида жуда қўл келади деб ўйлайман.

Олий мактабнинг Иқтисодий ҳуқуқ кафедраси мудирини ю.ф.н. М. Қаландарова, кафедра доценти в.б. У. Сайдахмедовлар дарс жараёнларини ҳар бир тингловчига индивидуал ёндашиб моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари ҳамда мамлакатимиз ва хориждаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти, норма ижодкорлиги фаолияти ҳолати ва тенденциялари билан яқиндан таништирди. Шунингдек, магистрлик диссертациясини ёзиш жараёнида илмий ишимизга доир кенгайтирилган фикр-мулоҳазалар билдиришди. Судьялардан М. Саидов, С. Солиев, Ф. Машкуров, И. Хамраев, М.Эргашев, Қ. Аvezовлар томонидан ўтилган семинарларда судьяликка қўйилган талаблар ҳамда унинг одил судловни амалга оширишдаги вазифа ва функциялари ҳақида кенг тушунчаларга эга бўлдик.

Бутун дунёда глобал муаммоларни юзага келтирган пандемия таълимга ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Аммо, ана шундай шароитда ҳам тингловчилар ўқув дарс жадвали асосида “телеграм” канали ва “ZOOM” дастури орқали ўқув жараёнларига тўлиқ жалб этилди. Ҳатто, якуний давлат аттестацияси синовлари ва магистрлик иши ҳимояси ҳам айни мана шу дастур орқали онлайн тарзда ўтказилди. Ўқишнинг онлайн шаклида ўтган сўнгги 3 ой — амалиёт ўташ чоғида суд процессини ўтказиш, қарор қабул қилиш, суд ҳужжатини ёзишга доир амалий ва назарий билимларни эгалладим.

Олий мактабни муваффақиятли тамомлагач, бўш судьялик лавозимларига эълон қилинган танловда иштирок этиб, Судьялар олий кенгашининг қарори билан Андижон вилоят Хўжабод туманлараро иқтисодий судига судья этиб тайинландим.



Суд идораларини “Адолат қўргони”-га айлантириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини амалда таъминлашга кўмаклашиш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Судьялар олий мактаби бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган судьялар корпусини шакллантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.



**Зулфия  
НУРАЛИЕВА,**  
*ФИБ Тошкент  
шаҳар Мирзо  
Улугбек туман-  
лараро суди-  
нинг судьяси:*

### ИЛК ҚАДАМ

2019 йил 4 сентябрь куни Судьялар олий мактабида 2019/2020 ўқув йили учун бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича ўқув курсининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Мактаб ўз бағрига имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган 60 нафар тингловчиларни қабул қилиб олди. Мана шуларнинг ичида мен ҳам тингловчи бўлиш шарафига муяссар бўлдим.

Мактабда 4 йўналиш ўқув курслари бўйича алоҳида ёндашув асосида ташкил қилинган. Судьялар фаолиятида муҳим аҳамият касб этадиган йўналишлар, яъни: “Мулоқот психологияси, ишчанлик мулоқоти, музокаралар олиб бориш, ахборот билан ишлаш психотехнологияси”, “Тайм-менеджмент, иш юритиш ва танқидий таҳлил қилиш, инновацион педагогик

ва ахборот-коммуникация технологиялар”дан фойдаланган ҳолда асосланган қарорлар қабул қилиш кўникмаларини ривожлантирадиган интерфаол ўқитиш услублари татбиқ этилиб, имитацион суд мажлислари ўтказилди.

Бунга мос равишда энг ривожланган ахборот-коммуникация воситалари билан жиҳозланган ўқув аудиториялари ажратилди.

Ўтган давр мобайнида Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби томонидан кўплаб тадбирлар (ҳалқаро конференция, семинар, давра суҳбатлари, тренинглари ва ҳ.к.) ташкил этилди.

Бизга ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ва қўллашга доир назарий ва амалий кўникмаларга эга, мустақил фикрловчи, қатъиятли, жасур ва ҳалол судья бўлиб етишишимизда соҳанинг етук профессор-ўқитувчилари ва соҳа мутахассислари таълим беришди.

Айниқса, шуни таъкидлашни истардимки, ўқув даврида судларда стажировканинг ташкил этилгани ҳар бир тингловчини ўзига бириктирилган судларда устоз-шогирд аънавалари асосида судьялик касб маҳоратини ўрганишга катта замин яратди.

Бугун мен Олий мактабнинг биринчи қалдирғочи сифатида илк бор Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманлараро судининг судьяси лавозимига тайинландим.

Келгусида одил судловни таъминлаш ва адолатни қарор топтиришда бор куч ва ғайратимни инсон манфаатларини ҳимоя қилишга сарф қиламан. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, “Суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига ишониб чиқиб кетиши керак».





**Сойибжон  
РАХИМОВ,**  
магистратура  
босқичининг  
битирувчиси:

### **МАЪРИФАТ ДАРСЛАРИ БЎЛҒУСИ СУДЪЯЛАР УЧУН МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШНИНГ ДЕБОЧАСИ БЎЛДИ**

– Ўзбекистон тарихида илк бор ташкил этилган судьяларни тайёрловчи олий таълим муассасасининг магистратураси тингловчиси бўлганимдан фахрланаман. Ҳозирча мен судьялик лавозимига тайинланганим йўқ. Аммо, мақсадим йўлида толмасдан ушбу шарафли касбнинг муносиб эгаси бўлишга интиламан.



Мен Судьялар олий мактабининг маъмурий ҳуқуқ йўналиши бўйича таҳсил олдим. Ўқиш давомида “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришда процессуал ҳужжатлар”, “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш муаммолари”, “Маъмурий суд ишларини юриштишдаги процессуал ҳужжатлар”, “Маъмурий суд ишларини юриштишнинг муаммолари” каби фанлардан маъруза, семинар ва амалий машғулотларда иштирок этдим. Бу каби машғулотларга маъмурий судлар судьяларининг жалб қилиниши натижасида амалиётда мавжуд муаммоларни тўғридан-тўғри ҳуқуқни қўловчи амалиётчиларнинг ўзидан ўрганиб, таҳлил қилиш ва муаммоли вазиятларда

асосли қарор қабул қилиш кўникмаларига эга бўлдим.

Яна бир муҳим жиҳати дунёқарашимни кенгайтириш, ижтимоий-сиёсий онгимни ошириш мақсадида кундалик маърифат дарсларида иштирок этиб, турли мавзулар юзасидан маърузалар тинглаб, тенгдошларимни қизиқтирган саволларга жавоб бериш орқали нотиклик, мустақил фикрлаш ва позицияни асослантириш кўникмаларини ўзлаштирдим.

Олий мактабда мустақил таълим жараёнини самарали ўтказиш мақсадида Тошкент шаҳрининг Чилонзор, Учтепа, Шайхонтохур туман маъмурий судларида бевосита суд мажлиси ва судда иш юриштишни кузатиш, имитацион суд мажлислари ташкил қилиш, суд фаолиятига оид ҳужжатли ва бадиий фильмлар намойиш қилиш, соҳа юзасидан суд амалиёти умумлашма материалларини таҳлил қилиш йўлга қўйилганлиги эътиборли жиҳатлардан биридир.

Мен маъмурий ҳуқуқ йўналишида таҳсил олиб, келгусида маъмурий суд судьяси сифатида фаолият юриштишни олдимга мақсад қилиб қўйганман. Аммо, мазкур йўналишдаги судьяларнинг зиммасига давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қарорлари ҳамда хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш вазифаси юкланганлиги масъулиятни янада оширади. Биргина маъмурий судлар томонидан охириги бир йил давомида ҳокимларнинг 2 мингдан ортиқ қарорлари ҳақиқий эмас деб топилгани ва 2020 йилнинг 6 ойида эса 183 минг (2019 йилда – 412 минг) маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларнинг кўрилганлиги мен каби маъмурий суд судьяси бўлиш истагида бўлган номзодлардан собитқадамлик, меҳнат ва шижоат талаб этади.

Янгича фикрловчи, янгича ишловчи, интилувчан, фақатгина қонунга бўйсунувчи судьялар бўлиб етишишни мақсад қилган Судьялар олий мактабининг магистратурасида таҳсил олган илк қалдирғочлар бирин-кетин судьялик лавозимларига тайинланар экан, очиқлик ва шаффофлик даврида адолатли қарорлар қабул қилиш орқали халқнинг розилигига эришишда Давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган “Судьянинг онгида адолат, тилида ҳақиқат, дилида поклик устувор бўлиши шарт” деган ғояни доимо ёдда сақлайди, деб биламан.

**Шерзод ДАМИНОВ тайёрлади**



# ИМТИҲОН ТАФСИЛОТЛАРИ: МАГИСТРАТУРАГА КИРИШГА ҚАНДАЙ ТАЛАБЛАР ҚЎЙИЛГАН?



**Жорий йилнинг 16-17 сентябрь кунлари Судьялар олий мактаби магистратура босқичининг 2020/2021 ўқув йили учун кириш имтиҳонлари бўлиб ўтди. Кириш имтиҳонлари мутахассислик фанлари ва чет тилидан тест синови, шунингдек, ҳуқуқий мавзуда ёзма иш, яъни иншо тарзида ўтказилди.**

**Муҳбиримиз ҳам имтиҳон жараёнларида иштирок этиб, Судьялар олий мактабининг магистратура босқичига киришга талабгорлардан интервью олди.**

## Шохруҳ НИЁЗОВ,

*Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Мирзо Улуғбек туманидаги Тадбиркорлар муружаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси мудури:*

– Имтиҳон ҳолисона ўтказилди, деб ҳисоблайман. Сабаби биринчи кун чет тили ва мутахассислик фани бўйича тест топширдик. Унда талабгорлардан биронтасига алоҳида шароит яратиб берилгани йўқ. Тестларни текширишда фамилия ва исм кўсатилмасдан шифр билан текширилиши ҳаққонийликни таъминлайди. Бугун эса иншо ёздик. Мен “Судьянинг инсоний фазилатлари одил судловнинг кафолатлари” мавзусини танладим. Ушбу мавзунини бежиз танлаганим йўқ. Одил судловни амалга оширишда судьянинг инсоний фазилатлари муҳим аҳамиятга эга. Инсоннинг туғилишидан бошлаб қаерда тарбия олаётганлиги, қанақа оилада улғайиб, қай тарзда яшаётганлиги, кимлар билан дўстлиги, ким билан қайси жамоада кўпроқ юриши, ҳамкасблари, нималарга қизиқиши ва бошқа омиллар одил судловни амалга оширишга бевосита таъсир кўрсатадиган омиллар бўлиб ҳисобланади.

Оддий қоғозга қўлда иншо ёзиш нафақат матн билан ишлайдиган соҳа вакиллари учун, балки барчамизнинг онгимизга кўп фойда келтиради. Мустақил фикрлашга ундайди. 2009 йилда Вашингтон университети психологлари шунини аниқлашганки, иншони қўлда

ёзган ўқувчиларнинг матни мазмунлироқ бўлган. Улар мураккаб жумлалардан фойдаланишган ва компютерда ёзган тенгдошларига нисбатан вазифани барвақтроқ якунлашган. Иншони қўлда ёзиш жараёнида турли стрессдан халос бўласиз. Ва ички кечинмаларингиз ва ўйларингизни қоғозда ифодалашга ҳаракат қиласиз. Шу нуқтаи назардан иншо ёзиш шартининг синовга киритилганлигини жуда ўринли деб биламан.



## Адҳам ТОШПЎЛАТОВ,

*хусусий корхона ҳуқуқшуноси:*

– Судья бўлишга, фуқароларнинг ўзаро низоли масалаларини адолатли ечишга қизиқаман ва шунинг учун судьялар иш фаолияти билан боғлиқ халқаро тажрибани ўрганиб келаман. Кечаги ва бугунги имтиҳонга айна пайтгача жиддий тайёргарлик кўрдим. Лекин, имтиҳон жараёнларида англадимки, ҳали ўзимнинг устимда ишлаш керак бўлган кўп жиҳатлар бор экан. Кеча топширган тестларимизда баъзи хато-камчиликларимни билдим. Масалан, янги қабул қилинаётган қонунларни имкон қадар мукамалроқ ўрганишимиз талаб этилар экан. Аслида, қонунларни қанчалик яхши билсангиз, амалиётда қўллашингиз шунчалик осон бўлади. Судья бўлман деган номзод ўзининг йўналиши бўйича барча қонунларни, кодексни тўлиқ билишидан ташқари фуқаролар билан инсоний муомалада бўлиш, уларни қабул қилиш, тушуниш фазилатларига ҳам эга бўлиши талаб этилади.

**Шаҳбоз САИДОВ тайёрлади.**





**Абдумўмин  
ЮЛДАШОВ,**

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти мустақил изланувчиси

# МУАЛЛИФЛИК ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР МУҲОФАЗАСИ: АҚШ ТАЖРИБАСИ МИСОЛИДА

**Муаллифлик ҳуқуқи бугунги кунда фуқаролик ҳуқуқининг тез ривожланаётган, янги жиҳатларини очиб бораётган йўналишларидан биридир. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари мисолида сўнгги йилларда муаллифлик ҳуқуқи жамиятнинг ижтимоий ҳаётида тутган ўрни кескин ўсиб бораётганлигини кўриш мумкин. Бу биринчи навбатда, асарлардан нусха кўчириш ва тарқатишга мўлжалланган техник воситаларнинг кенг кўламда фойдаланилиши натижасида муаллифлик ҳуқуқи объектларининг катта тезликда тарқалиши билан изоҳланади.**

Шу ўринда асосий эътиборни ҳозирда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар объектларининг давлатнинг ялпи ички маҳсулоотида тутган ўрни бўйича жаҳонда етакчи бўлган АҚШга қаратиш лозим. АҚШнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида интеллектуал мулк муҳим ўрин тутди. Ижодий ва илмий-техник фаолиятнинг юксак даражада ривожланганлиги сабабли бугунги кунда АҚШ жаҳон иқтисодиётининг энг етакчи давлати ҳисобланади. Шуниси аҳамиятлики, АҚШ экспортининг энг катта қисмини интеллектуал мулк ташкил этади. Хусусан, статистик маълумотларга кўра, АҚШда интеллектуал мулкдан самарали фойдаланиш мамлакатдаги барча иш ўринларининг 30 фоизи ҳамда 38 фоиздан ортиқ ялпи ички маҳсулотни ташкил этади. Шундан 11-12 фоизи эса муаллифлик ҳуқуқидир. Бундан ташқари, биргина, муаллифлик ҳуқуқи соҳасида АҚШ 5,6 миллион иш ўрнини таъминлаб турибди. Шундан келиб чиқиб айтиш лозимки, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар мамлакатларнинг иқтисодиётида катта даромад келтирувчи соҳага айланиб улгурган.

АҚШда муаллифлик ҳуқуқи соҳасидаги муносабатлар миллий миқёсда 1976 йилдаги Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонун билан тартибга солинса, халқаро миқёсда эса “Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси” (1886 й.) ва Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг “интернет шартномалари” (1996 й.) билан тартибга солинади<sup>1</sup>. Ўз навбатида, АҚШ Конституцияси ҳам қонунчилик ҳокимиятининг олий органи бўлиши Конгрессга маданият ва санъат соҳасини ҳамда ижодкорларни рағбатлантиришга қаратилган бир қатор ҳуқуқларни тақдим этган<sup>2</sup>.

АҚШда муаллифлик ҳуқуқи муҳофазасини таъминлашнинг ўзига хослиги шундаки, у ерда муаллифлик ҳуқуқи объектлари, бу йўналишдаги ваколатли орган – АҚШ муаллифлик ҳуқуқи бюроси (USA

Copyright office) томонидан рўйхатдан ўтказиш амалиёти йўлга қўйилган. Ваҳоланки, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида, хусусан, Ўзбекистонда ҳам муаллифлик ҳуқуқи объектлари рўйхатдан ўтказилмайди. Албатта, муаллифлик ҳуқуқи объектларини рўйхатдан ўтказиш мажбурий характерга эга бўлмаса-да, бироқ бу жараён ҳуқуқ эгасига бир қатор устунлик ва имкониятларни тақдим этади. Булар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: агар низоли ҳолат юзага келганда рўйхатдан ўтказилган асар юзасидан судга даъво аризаси билан мурожаат этиш; лицензиясиз нусхалар тарқалишининг олдини олиш; низоли ҳолат юзага келганда, агар асар нашр этилганидан кейин 3 ой ичида рўйхатдан ўтказилган бўлса, муаллиф (ҳуқуқ эгаси)га суд харажатлари ва бошқа зарарлар қоплаб берилади. Агар асар рўйхатдан ўтказилмаган бўлса, фақатгина моддий зиён қоплаб берилади.

Муаллифлик ва турдош ҳуқуқ объектларини давлат онлайн хизмати [www.copyright.gov](http://www.copyright.gov) сайти орқали Муаллифлик ҳуқуқи бюросига ариза топшириш йўли билан ҳам рўйхатдан ўтказиш мумкин. Асарни рўйхатдан ўтказишда АҚШ Конгресси кутубхонасига уни нусхасини сақлаш учун (депонентлаштириш) тақдим этиш лозим. Бундан қуйидаги икки мақсад кўзланган: биринчидан, муаллифлик ҳуқуқи бузилиш ҳолати юзага келганда, муаллиф (ҳуқуқ эгаси)га ўз асарининг ҳақиқийлигини исботлаш имкониятини тақдим этиш, иккинчидан, АҚШ Конгресси кутубхонасини асарлар билан доимий равишда тўлдириб бориш.

АҚШ Конгресси кутубхонаси айнан муаллифлик ҳуқуқи объектларини рўйхатдан ўтказиш билан шуғулланади. Ҳозирда мазкур кутубхона фондида 500 тилдаги 150 млн.га яқин китоблар мавжуд бўлиб, ҳар йили янги китоблар сони 1-3 млн. донани ташкил этади. АҚШ да муаллифлик ҳуқуқи объектларининг ижтимоий мулкка айланиш даври Ўзбекистондан фарқли ўлароқ, муаллиф вафотидан сўнг 50 эмас, 70



йилни ташкил этади. Муаллифлик ҳуқуқини бузганлик учун жиноий жавобгарлик АҚШ қонунчилигида 1897 йилдан буён мавжуд. Айнан ушбу даврда тижорат мақсадларида муаллифлик ҳуқуқи асарларидан ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарлик киритилган. XX асрнинг иккинчи ярмига келиб жавобгарлик чегараси анчагина кенгайиб, бунинг асосий сабабларидан бири жамият ҳаётига турдош ҳуқуқ объектлари (ижролар, фонограммалар) кириб келганлиги билан тавсифланади.

АҚШ “Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида”ги қонунига кўра, электрон воситалар орқали бир ёки кўп нусхада асарларни ноқонуний тарқатиш ҳолатлари аниқланганда, ушбу ноқонуний тарқатилган асарлар баҳоси 1000 АҚШ долларидан кўп бўлса, 5 йилгача қамоқ ёки 500 000 АҚШ долларидан кўп бўлмаган миқдорда жарима жазоси қўлланилади. Ушбу хатти-ҳаракатлар ахборот-коммуникация тармоқларидан фойдаланган ҳолда тижорат мақсадида, ҳаракатнинг ҳуқуқий оқибатини билган ҳолда амалга оширилган бўлса, муаллифлик ҳуқуқи билан муҳофазаланган асарнинг бозор баҳоси 2500 АҚШ долларидан ортиқ бўлса, 10 йилгача қамоқ ёки 1 млн. АҚШ долларидан кўп бўлмаган миқдорда жарима жазоси қўлланилади<sup>3</sup>.

Ҳозирда АҚШда муаллифлик ҳуқуқи муҳофазаси ва ҳимоясининг асосий механизмларидан бири бўлмиш мулк ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи қуйидаги 13 та ташкилот фаолият юритмоқда: ACEMLA (Лотин Америкаси бастакорлари, мусиқачилари ва ёзувчиларининг ҳуқуқлари ҳимоясига ихтисослашган), AFM & SAG-AFTRA, ASCRL (фотография асарларига ихтисослашган), ASCAP (АҚШ бастакорлари, муаллифлари ва нашриётлари учун), BMI (Broadcast Music Inc.), (радио узатувчилар учун), Christian Copyright Licensing International, Christian Video Licensing International, Copyright Clearance Center, Global Music Rights, Motion Picture Licensing Corporation, SESAC, (АҚШда жойлашган фонограмма тайёрловчилар ҳуқуқлари ассоциацияси), SoundExchange (рақамли муҳитда ҳуқуқларнинг муҳофазасига ихтисослашган).

Таъкидлаш жоизки, интеллектуал мулк муносабатларида, хусусан, муаллифлик ҳуқуқи йўналишида ҳам АҚШ ва Ўзбекистоннинг ўзаро боғлиқ ва ҳамкорлик жиҳатлари мавжуд. Хусусан, АҚШ Савдо вакиллик идораси томонидан эълон қилинган “Савдо бўйича ҳамкор давлатларда интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқларга риоя қилиш ва ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ҳисоботда Ўзбекистоннинг интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасидаги ютуқлари эътироф этилган. Бунга Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилдаги тегишли қонунлари билан “Фонограмма тайёрловчиларнинг манфаатларини уларнинг фонограммаларини ноқонуний такрорланишидан муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенцияси” (Женева, 1971 йил 29 октябрь), “Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг ижролар ва фонограммалар бўйича шартномаси” (Женева, 1996 йил 20 декабрь)



ва “Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг муаллифлик ҳуқуқи бўйича шартномаси” (Женева, 1996 йил 20 декабрь)га қўшилганлиги, сабаб сифатида келтирилган. Ушбу халқаро конвенция ва шартномаларга қўшилиш ҳукуматимиз томонидан интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилишидан дарак беради.

Юқоридаги халқаро шартномалар ратификация қилинишининг яна бир ижобий томони шундаки, АҚШ Савдо вакиллик идораси томонидан Ўзбекистонга нисбатан интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш юзасидан олиб борилган тингловлар тугатилишига ва Умумий имтиёзлар тизимини Ўзбекистонга татбиқ этиш бўйича қарор ўз кучида қолишига сабаб бўлди. Шу билан бирга, ушбу баёнотда Ўзбекистонда интеллектуал мулк муҳофазасини кучайтиришга қаратилган бир қатор тавсиялар билдириб ўтилган. Мазкур тавсиялар қаторида давлат органларида муаллифлик ҳуқуқи билан муҳофаза қилинадиган лицензияланган электрон дастурий таъминот маҳсулотларидан фойдаланишни тартибга солиш, интеллектуал мулк ҳимоясини таъминлаш бўйича мутасадди вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, интеллектуал мулк объектларининг ноқонуний айланмасининг олдини олиш бўйича божхона назоратини кучайтириш каби муҳим жиҳатлар санаб ўтилган.

Шунингдек, Ўзбекистон АҚШнинг Савдо ва инвестициялар бўйича битими (TIFA) доирасидаги ҳамкорлик ишларида иштирок этиб келмоқда. Умуман олганда, муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар объектларидан самарали фойдаланиш ва унинг муҳофазасини таъминлаш мамлакатнинг иқтисодий тараққаётида муҳим ўрин тутди. Шундан келиб чиқиб, АҚШнинг бу борадаги тажрибасидан фойдаланиш катта имкониятлар эшигини очиш билан бирга, муаллифлар ва ҳуқуқ эгаларининг қонуний манфаат ҳамда ҳуқуқларининг ҳимоясида алоҳида ўрин тутди.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://www.wipo.int/treaties/en/>
2. АҚШ Конституцияси. The Constitution of the United States of America. Тошкент-2013. 14-6.
3. Circular 92. Copyright Law of the United States and Related Laws Contained in Title 17 of the United States Code June 2020. <https://www.copyright.gov/title17/title17.pdf>



**Шароф КУЛМАТОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
ИИВ Академияси  
Жиноят-процессуал ҳуқуқ  
кафедраси бошлиғи ўрин-  
босари, юридик фанлар  
доктори, доцент

# СУДЛАРДАГИ ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРИЯТЛАР

## АННОТАЦИЯ

Мақолада суд амалиётида процесс иштирокчилари томонидан процессуал мажбуриятлар бажарилишининг бугунги кундаги ҳолати ва Жиноят-процессуал кодексини такомиллаштиришга оид айрим фикр-мулоҳозалар баён этилган.

**Калит сўзлар:** Жиноят-процессуал кодекси, жиноят-процесси иштирокчилари, суд, суд мажлиси, тартиб, процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлар, жавобгарлик.

## АННОТАЦИЯ

В статье рассмотрены некоторые мнения касающиеся совершенствования уголовно-процессуального кодекса и современного состояния исполнения процессуальных обязанностей участников процесса в судебной практике.

**Ключевые слова:** уголовно-процессуальный кодекс, участники уголовного процесса, суд, судебное заседание, порядок, процессуальное право и обязанности, ответственность.

## ANNOTATION

The article reveals some opinions on the improvement of the criminal procedure code and the current performans of the functions of participants in the judicial procedure code

**Keywords:** Criminal procedur code, participants in criminal proceedings, court, court hearings, order, procedural law and obligations, responsibility.

Суд амалиётида тарафлар – судланувчи, ҳимоячи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва гувоҳларнинг суд мажлисига узрсиз сабабларга кўра келмаслиги ёки суд мажлиси ўтказилаётган вақтда тартибни бузиш ёки судга ҳурматсизлик қилиш каби процессуал мажбуриятлар бажарилмаслиги кузатилади. Масалан, суд залида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддасининг 2-қисми, “б” банди билан айбланаётган судланувчи А.К.га маълум бўлган иш ҳолатлари юзасидан гапириб бериши жараёнида жабрланувчи С.Ш. судланувчи А.К.ни ёлгон гапирётганлигига чидай олмай, судга раислик қилувчининг икки маротаба тартибга чақириш тўғрисида огоҳлантиришига қарамасдан суд мажлиси тартибига риоя этмай, судланувчига баланд овозда ўз эътирозларини тўхтовсиз тарзда билдирган ва суд мажлисига раислик қилувчининг учинчи маротаба огоҳлантиришидан сўнг тартибга риоя этган<sup>1</sup>.

Бошқа мисол, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддаси 2-қисми билан айбланаётган, эҳтиёт чораси сифатида муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат қўлланилган судланувчи Б.А.нинг адвокати қасддан суд мажлисига икки маротаба келмаганлиги туфайли суд мажлисини ўтказиш кейинга қолдирилишига сабаб бўлганлиги учун вилоят Адвокатлар палатасига адвокатга нисбатан хусусий ажрим киритилган<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексини “Суд мажлисида тартибни бузганлик учун жавобгарлик” деб номланувчи 272-моддасида суд мажлисида қатнашаётган, нафақат тарафлар, шу билан бирга суд мажлисида ҳозир бўлган ҳар қандай процесс иштирокчиси ёки бошқа шахслар, яъни судланувчининг яқин қариндошлари ва бошқалар тартибни бузган тақдирда, раислик қилувчининг фармойишларига бўйсунмаса ёки судни беҳурмат қилса, дастлаб суд мажлиси раиси уларни оғзаки огоҳлантириши, агар огоҳлантириш таъсир қилмаса, процесс иштирокчиси суднинг ажримига мувофиқ, бошқа иштирокчилар суднинг фармойишига мувофиқ суд залидан чиқариб



юборилиши ёхуд маъмурий жавобгарликка тортилиши белгиланган. Суднинг ажрими айбловчи ёки ҳимоячига тааллуқли бўлса (прокурор ёки адвокат), ишни эшитиш кейинга қолдирилиб, залдан чиқариб юборилган айбловчи ёки ҳимоячининг ғайриқонуний хулқ-атвори тўғрисида суд хусусий ажрим чиқарилиб, тегишлилигига кўра, юқори турувчи прокурорга ёки Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясига юборилади. Суд залидан судланувчи чиқариб юборилган бўлса, ҳукм унинг иштирокида эълон қилиниши ёки эълон қилингандан кейин унга дарҳол маълум қилиниб, тилхат олиниши лозим. Суд мажлиси залидан чиқариб юборилган шахс (судланувчи, айбловчи ва ҳимоячи бундан мустасно) раислик қилувчи томонидан унинг жойининг ўзида чиқарган ажримига асосан маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. Ажрим суд мажлисининг баённомасига қайд этилиши белгиланган, мазкур нормада суд мажлисида тартибни бузган тарафлар ёки бошқа иштирокчиларга МЖТКнинг қайси моддасига асосан жавобгарликка тортилиши белгиланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг XIV-боби (Одил судловга тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик) 180-моддаси “Судга ҳурматсизлик қилиш” деб номланади. Унга кўра гувоҳ, жабрланувчи, даъвогар, жавобгар, ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг судга келишдан қасддан бўйин товлашида ёки мазкур шахсларнинг ва бошқа фуқароларнинг раислик қилувчи фармойишига бўйсунмаслигида ёхуд суд мажлиси пайтида тартибни бузишда ўз ифодасини топган судга ҳурматсизлик учун базавий ҳисоблаш миқдоринининг бир бараваридан уч бараваригача жарима солишга сабаб бўлиши назарда тутилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 181-моддаси “Суднинг хусусий ажрими (қарори) бўйича чоралар кўрмаслик” деб номланиб, унда “мансабдор шахс томонидан суд чиқарган хусусий ажримни (қарорни) кўриб чиқмаслик ёхуд ажримда (қарорда) кўрсатилган қонунни бузиш ҳолларини бартараф этиш чораларини кўрмаслик, худди шунингдек, хусусий ажримга (қарорга) ўз вақтида жавоб бермаслиги” базавий ҳисоблаш миқдоринининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 272-моддасида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 180,181-моддаларига мувофиқ жавобгарликка тортилишининг аниқ кўрсатилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Шу боисдан ЖПКнинг 272-моддаси биринчи қисми-



даги “...маъмурий жавобгарликка тортилиши ҳам мумкинлиги хусусида огоҳлантирилади” жумлаларини “МЖТКнинг 180, 181-моддаларига мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилиши билан ҳам огоҳлантирилади” деган жумлалар билан ўзгартирилиши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 272-моддасида суд мажлисида тартибни бузган процесс иштирокчиси ёки бошқа шахслар тартиббузарлик учун маъмурий жавобгарлик билан огоҳлантирилиш жараёнида тартиббузар сифатида, тартиббузарга огоҳлантириш таъсир қилмагандан сўнг тартиббузар ҳуқуқбузар сифатида эътироф этилишини кўрсатиб ўтиш керак (МЖТКнинг 180, 181-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик вужудга келганлиги боис (судланувчи, айбловчи ва ҳимоячи бундан мустасно)). Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 272-моддасини Суд мажлисида тартибни бузган процесс иштирокчиси ёки бошқа шахсларнинг жавобгарлиги деб номлаш ва 4-қисмининг биринчи хатбошидаги “...чиқариб юборилган шахс” жумласини “...чиқариб юборилган ҳуқуқбузар” деган сўзлар билан алмаштириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 473-моддасида суд мажлиси залида ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси, шу жумладан, суд таркиби ҳам ҳукмни тик туриб эшитиши белгиланган бўлса-да, лекин суд залидан судланувчи чиқариб юборилган бўлса, ҳукм унинг иштирокида эълон қилиниши ёки эълон қилингандан кейин унга дарҳол маълум қилиниб, тилхат олиниши ҳақида сўз юритилмаган. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексини 272-моддасидаги қоида 473-модда 1-қисмининг 2-бандига “Агарда судланувчи суд залидан чиқариб юборилган бўлса, ҳукм унинг иштирокида ҳукмнинг қарор қисми эълон қилинади ёки эълон қилингандан кейин унга дарҳол маълум қилиниб, уч суткадан кечиктирилмай, ҳажми катта бўлган тақдирда эса ўн суткадан кечиктирмай унинг нухаси маҳкумга тилхат орқали топширилади” деб тўлдириш мақсадга мувофиқдир.

Маъмурий ёки пул ундируви билан боғлиқ масалани ҳал этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг “Пул ундириш ва жарима солиш тўғрисидаги масалани суд томонидан ҳал қилиш тартиби” деб номланувчи 274-моддасида суд мажлисига тартибни бузган шахсга жарима солиш жиноят ишини кўриш қайси судга тааллуқли бўлса, шу суд томонидан амалга оширилиши, процессуал мажбуриятларни ёки тартибни бузишга бевосита суд мажлисида йўл қўйилган бўлса, жарима солиш ҳақидаги ажрим ишни кўраётган суд томонидан шу мажлиснинг ўзида чиқарилиши, суд мажлисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан тартиббузарлик тўғрисида тузилган баённома ва унга илова қилинган материаллар ёхуд суд мажлиси баённомасидан олинган тегишли кўчирма ўқиб эшиттирилиши, шундан сўнг жавобгарликка тортилаётган шахснинг изоҳлари, суд мажлисида прокурор қатнашаётган бўлса, унинг фикри эшитилиши ва ажрим чиқарилиши, ёхуд суд мажлиси залида тартибни бузган шахсга жарима солиш тўғрисидаги ажримни чиқарган суд бу ажримнинг ижросини уч ойгача муддатга кечиктиришга ёки ижронинг бўлиб-бўлиб бажарилишига рухсат беришга ҳақли эканлиги белгиланган. Ушбу қоида нафақат суд мажлисида процесс иштирокчилари томонидан процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик масаласи ҳал этилиши, балки суриштирув ёки дастлабки тергов босқичида ҳам процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликка тортиш масаласи суд мажлисида жиноят иши билан бирга кўриб чиқилиши ижобий ҳолатдир.

Мисол учун, айбланувчи томонидан гаров тўғрисида эҳтиёт чораси билан боғлиқ мажбурият

бузилиши натижасида айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси (уй қамоғи ёки қамоқ) қўлланилганда, гаров нарсаи суднинг ажрими билан давлат фойдасига ўтказилади. Лекин, ушбу моддага таржимон, мутахассис ва кафилга пул ундириш масаласининг киритилганлиги биров мантиқсиздир. Чунки, пул ундириш масаласи бевосита процессуал чиқимлар билан боғлиқдир. Процессуал чиқимлар эса ЖПКнинг “Процессуал муддатлар” деб номланувчи 39-бобида белгиланган қоидalar билан тартибга солинган. Шу боис ЖПКнинг 274-моддасини “Жарима солиш тўғрисидаги масалани суд томонидан ҳал қилиш тартиби” деб номлаш ва ушбу модда матнларидаги “таржимон, мутахассис ва кафилга пул ундириш” жумлаларини чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқдир.

Процесс иштирокчиларини, яъни судда тараф ҳисобланган судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг узрсиз сабабларга кўра суд мажлисига келиш мажбуриятини бажармаслиги, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексини 262-моддасига мувофиқ мажбурий келтириш учун асос бўлади. Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг “Пул жаримаси” деб номланувчи 117-моддасида суд томонидан процессуал мажбуриятларни бажармаган процесс иштирокчиларига нисбатан икки юз эллик рубль миқдоридан жарима солиниши, “Пул жаримасини ундириш ва гаровни давлат фойдасига ўтказиш тартиби” деб номланувчи 118-моддасида эса агарда процессуал мажбуриятлар судгача бўлган босқичда бажарилмаган бўлса, бу ҳақда суриштирувчи, терговчи ва прокурор баённома тузиб, 5 кун ичида ҳудудий судга юбориши, суд процессуал мажбуриятларни бажармаган процесс иштирокчисини суд мажлисига чақириб, қарор қабул қилади. Аммо, тартиббузарнинг келмаганлиги баённомани кўриб чиқишга монелик қилмаслиги, суд баённомани кўриб чиқиш натижасида жарима ундириш ёки ундирмаслик бўйича қарор чиқариши белгиланган. Шу боис ЖПКнинг 274-моддасининг 3-қисмига “...унинг фикри эшитилади ва” деган сўзлардан кейин “суд мажлиси раиси процесс иштирокчиси ёки бошқа шахсга жарима солиш ёки солмаслик тўғрисида ажрим чиқаради. Жарима базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда белгиланади” деб тўлдириш мақсадга мувофиқдир.

*Умумий миллий тилни сақламак*

*ила баробар хусусий оғиз орасидаги*

*тилни ҳам сақламак лозимдур.*

*Чунки сўз инсоннинг даражаси ва*

*камолини, илм ва фазлини ўлчаб*

*кўрсатадурган тарафусидур.*

**Абдулла АВЛОНИЙ**

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жиззах шаҳар жиноят ишлари бўйича судида суд мажлиси жараёнида кўрилган жиноят ишларининг муҳокамаси. 2017 йил 24 апрель. Жиззах шаҳри.
2. Жиззах шаҳар жиноят ишлари бўйича судида суд мажлиси жараёнида кўрилган жиноят ишларининг муҳокамаси. 2017 йил 24 апрель. Жиззах шаҳри.



# ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ



**Бехруз  
ШАМСУТДИНОВ,**  
ТДЮУ Жиноят-  
процессуал ҳуқуқи  
кафедраси  
ўқитувчиси

## АННОТАЦИЯ

Мақолада жиноят ишлари юритишида сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилиниб, жаҳон тажрибаси асосида сунъий интеллектни жиноят иши юритиш жараёнига қўллашга оид илмий-амалий тажрибалар кўриб чиқилди. Шунингдек, мазкур масала юзасидан олимларнинг фикрлари ўрганилиб, таҳлил қилинди ҳамда Ўзбекистон Республикасида жиноят иши юритишига сунъий интеллектни қўллаш бўйича мавжуд имкониятлар ҳақида фикр юритилиб, ушбу соҳага оид аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Калит сўзлар:** сунъий интеллект, жиноят процесси, жиноят иши юритиш, электрон жиноят иши, рақамли технологиялар, рақамли таржимон, рақамли судья, рақамли котиб, жиноятлар ҳақидаги маълумотлар базаси.

## АННОТАЦИЯ

В статье рассмотрены вопросы, связанные с использованием искусственного интеллекта в уголовном судопроизводстве, а также научный и практический опыт применения искусственного интеллекта в уголовном судопроизводстве на основе мирового опыта. Также были изучены и проанализированы мнения ученых по данному вопросу. Рассмотрены существующие возможности использования искусственного интеллекта в уголовном судопроизводстве в Республике Узбекистан, разработаны конкретные предложения и рекомендации в этой области.

**Ключевые слова:** искусственный интеллект, уголовный процесс, уголовное судопроизводство, электронное уголовное дело, цифровые технологии, цифровой переводчик, цифровой судья, цифровой секретарь, база данных о преступлениях.

## ANNOTATION

The article discusses issues related to the use of artificial intelligence in criminal proceedings, as well as the scientific and practical experience of using artificial intelligence in criminal proceedings based on international experience. Also, the views of scientists on this issue were studied and analyzed, and the existing opportunities for the use of artificial intelligence in criminal proceedings in the Republic of Uzbekistan were considered, and specific proposals and recommendations in this area were developed.

**Keywords:** artificial intelligence, criminal procedure, criminal proceedings, e-criminal case, digital technologies, digital translator, digital judge, digital secretary, criminal database.

Бугунги кунда жамиятнинг турли соҳа вакиллари томонидан сунъий интеллектнинг имкониятлари, ундан шахс, жамият ва давлат манфаатлари йўлида фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги каби масалалар кенг муҳокама қилиб келинмоқда. Сунъий интеллектни тушунишга оид турлича мураккаб таърифлар мавжуд бўлиб, уларни соддаштирган ҳолда мазкур тушунчага инсон онги бажара оладиган турли мантикий, ижодий ва бошқа амалларни бажаришга мўлжалланган, муайян алгоритмлардан иборат бўлган дастурий тизим, дея таъриф бериш мақсадга мувофиқ. Сунъий интеллектни амалиётга татбиқ этиш борасида давлат сиёсати ҳам сўнгги йилларда ижобий томонга ўзгарган. Жорий йилнинг "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" дея номланганлиги ҳамда 2018-2020 йилларда мазкур соҳани ривожлантиришга қаратилган ўндан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги, шунингдек, "2021-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида сунъий интеллектни ривожлантириш стратегияси"нинг ишлаб чиқилганлиги[1] фикримизнинг яққол далилидир.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) томонидан эълон қилинган таҳлилий маълумотларга кўра, мамлакатимизда сунъий интеллект соҳасида амалга оширилган тадқиқотлар кўлами 1996-2014 йиллар оралиғида учтани ташкил этган бўлса, 2019 йилда соҳада йигирмадан ортиқ илмий изланишлар амалга оширилди[2]. Сунъий интеллектнинг турли соҳаларга татбиқ этилиши тенденциясини кузатиш орқали яқин келажакда у қўлланилмаган бирор-бир соҳа қолмаслиги ҳақида тахминга келишимиз мумкин. Бундан жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатлар ҳам ҳоли эмас, албатта.

Умунан олганда, бугунги кунга келиб миллий суд-тергов тизимига сунъий интеллектнинг муайян шакллари қўлланилган-



лигини кўришимиз мумкин. Жумладан, жорий йилда киритилган ўзгартиришга кўра, эндиликда судларда ишлар судьяларнинг иш ҳажми ва ихтисослашуви ҳисобга олинган ҳолда, судьялар ўртасида ишларни тақсимлашга суд муҳокамаси натижасидан манфаатдор бўлган шахсларнинг таъсир кўрсатиши истисно этиладиган тартибда, автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда тақсимланади[3]. Сунъий интеллектни жиноят процессида татбиқ этиш доираси масаласи жуда ҳам баҳсли мавзу бўлиб, бунда икки хил асосий ёндашув мавжуд. Биринчи ёндашувга кўра, сунъий интеллект тизимлари жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар учун ёрдамчи восита сифатида, яъни чекланган доирада қўлланилиши мумкин бўлади. Ушбу ёндашув доирасида, муайян маълумотларнинг киритилиши натижасида процессуал ҳужжатларнинг автоматик шакллантирилиши, жиноят процесси иштирокчилари томонидан ҳужжатларнинг бармоқ изи сканери орқали имзоланиши, тергов ва суд жараёнларининг автоматик ёзиб олиниши ҳамда инсон омилсиз оғзаки шаклдан матн шаклига ўгирилиши, тергов жараёнида жиноятга оид маълумотлар сунъий интеллект томонидан мустақил таҳлил қилиниб, илгари шунга ўхшаш жиноятни содир этган шахслар ҳақидаги маълумотларнинг қисқа вақт ичида шакллантирилиши каби имкониятлардан фойдаланиш мумкин.

Жиноят процессида сунъий интеллектни қўллашга оид бошқа бир ёндашувга кўра эса, сунъий интеллект имкониятларидан янада кенгрок доирада фойдаланган ҳолда, у жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар номидан муайян қарорларни қабул қилиши мумкин бўлади. Бунда, сунъий интеллект жиноят иши натижаларини олдиндан башорат қилиши, далилларни баҳолаши, тергов ҳаракатларини амалга ошириши, қилмишнинг жиноийлиги ҳақида хулосалар чиқариши, шахс ва қилмишнинг тавсифидан келиб чиққан ҳолда жазо тайинлаши мумкин. Бугунги кунга қадар сунъий интеллект имкониятларидан суд-тергов

фаолиятида фойдаланиш бўйича кўплаб лойиҳалар амалга оширилганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, Мадрид ва Кардиф университетлари олимлари томонидан “VeriPol” номли лойиҳа яратилган бўлиб, унинг вазифаси жиноят ҳақида келиб тушган аризалар матнини таҳлил қилган ҳолда ёлғон хабарларни аниқлашдан иборат. Мазкур технология 2017 йилда Испания полицияси томонидан синовдан ўтказилганда “VeriPol” томонидан бир ҳафта давомида ёлғон эканлиги ҳақида хулосага келинган 64 та хабарнинг 83 фоизи ҳақиқатан ҳам ёлғон хабар эканлиги аниқланган ҳамда жиноят ишлари тугатилишига олиб келган[4]. Шу каби тадқиқотлардан яна бири 2017 йилда АҚШнинг Мэриленд университети олимлари томонидан амалга оширилган бўлиб, мазкур тадқиқот овоз ва тана ҳаракатларини таҳлил қилиш орқали сўроқ қилиш давомида берилаётган кўрсатувларнинг рост ёки ёлғонлик даражасини аниқлаш имкониятига эга бўлган “Dare” номли тизимни синовдан ўтказишга қаратилган эди. Синов натижасида тизимнинг муваффақиятлилик даражаси полиграф технологияларидан 5-7 фоизга илгариланган ҳолда 92 фоиздан иборат эканлиги аниқланган[5]. Пенсильвания ва Шеффилд университетлари олимлари томонидан яратилган бошқа бир технология эса жиноят ишига оид маълумотларни таҳлил қилиш натижасида муайян қарорни қабул қилиш имкониятига эга ҳисобланади. Синов тариқасида Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди томонидан кўриб чиқилган 584 та турли мазмундаги ишлардан фойдаланилган бўлиб, ўрганиш натижаларига кўра ушбу технология томонидан қабул қилинган қарорлар суд томонидан чиқарилган қарорларга 79 фоиз аниқликда мос келган[6].

Лондондаги Мидлсекс университети томонидан ишлаб чиқилган “VALCRI” номли тизим полиция маълумотлар базасида мавжуд бўлган илгари содир этилган жиноятлар ҳақидаги жуда кенг ҳажмли маълумотларни, жумладан, шахсга оид сўроқ қилиш натижалари, жиноий ҳодиса содир бўлган жойлар, ашёвий далиллар, курол-яроғ, фото ва видеоёзув кабиларни таҳлил қилиб, ўхшаш жиноятни содир этган шахсларни аниқлашга ҳамда айбланувчиларни топшишга ёрдам беради[7]. Европа комиссияси (CEPEJ) маълумотларига кўра, жиноят ишлари юритишда сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш, Буюк Британия ва АҚШ каби мамлакатларда кенг йўлга қўйилган. Франция эса сунъий интеллектни фуқаролик суд ишларини юритишга жалб қилиш билан чекланган[8].

Суд-тергов органлари фаолиятида сунъий интеллектни қўллаш масаласига оид турлича қарашлар мавжуд. Жумладан, юқорида кўрсатиб ўтилган Пенсильвания ва Шеффилд универси-



тетлари олимларидан иборат жамоа Николас Алетрас раҳбарлигида, сунъий интеллект судья ва ҳуқуқшуносларнинг ўрнини тўлақонли эгаллаши имконсиздир, шундай бўлса-да, мазкур технология улар учун жуда ҳам фойдали. Сабаби, у суд ишининг қарор қабул қилишда Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясига зид келувчи қарорларни қисқа вақт ичида аниқлашда муҳим восита сифатида хизмат қилиши мумкинлигини аниқлаган[9]. Гарвард ҳуқуқ мактаби профессори Лоуренс Лессингнинг фикрича, сунъий интеллект юридик амалиётнинг кенг доирасини эгаллаши мумкин. Шундай бўлса-да, сунъий интеллект барча жараёнларни ўзи мустақил назорат қилиши мақсадга мувофиқ эмас. Судьяда исталган вақтда жараёнга аралашиб ҳамда вазиятни тўғри йўналишга ўзгартириш имконияти қолдирилиши керак[10].

Шу ўринда, жиноят иши юритишга сунъий интеллектни жорий этишнинг афзалликлари ва зарарли оқибатлари ҳақида сўз юритиш жоиз. Жиноят ишлари юритиш жараёни инсон тақдирига бевосита боғлиқлиги сабаб, у томондан йўл қўйиладиган ҳар қандай хатолик ҳам шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш эҳтимолини келтириб чиқариши мумкин. Шунингдек, сунъий интеллект фақатгина инсонга тегишли бўлган ҳис-туйғуларни ўзида акс эттира олмаслиги натижасида, жиноят процесси принципларига қатъий риоя этилиши кафолатланмасдан қолади.

Сунъий интеллектнинг афзалликлари ҳақида фикр юритадиган бўлсак, ундан жиноят иши юритишда фойдаланиш натижасида шахсларнинг салбий таъсири олди олинishi ва бу орқали қарорларнинг холислиги таъминланиши, иш юритиш муддати қисқариб, самарадорлик ошиши, инсон амалга ошира олмайдиган таҳлилий ва бошқа амалларнинг бажарилиши, жиноятларнинг очилиш имкониятлари кенгайиши, давлат бюджети маблағлари тежалиши ва бошқа кўплаб ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Фикримизча, жиноят иши юритиш тизимида сунъий интеллектни татбиқ этиш бўйича ислохотларни қуйидаги уч босқичда амалга ошириш мақсадга мувофиқ: биринчи босқичда, электрон жиноят иши юритиш жараёнини янада такомиллаштириш, жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар ўртасида ҳужжатларни тўлиқ электрон шаклда алмашув тизимини йўлга қўйиш, жиноят содир этган шахслар ва жиноятларга оид бошқа маълумотлар базасини шакллантириш, ҳужжатларни бармоқ изи сканери орқали имзолаш тартибини йўлга қўйиш, жиноят процесси иштирокчиларининг ўз манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар билан онлайн танишиш имкониятини яратиш лозим бўлади; иккинчи босқичда эса, муайян маълумотларнинг киритилиши натижасида про-

цессуал ҳужжатларни автоматик шакллантириш, сўроқ ва юзлаштириш каби тергов ҳаракатлари ҳамда суд мажлисидаги сўзлашувларни овозни таниб олиш қурилмалари ёрдамида матн шаклига ўгирувчи, таржимон ўрнини босувчи ва унинг вазифасини бажарувчи, жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга оид маълумотларни таҳлил қилган ҳолда уларнинг хавфлилиги даражасини аниқлаш ва уларга нисбатан қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлган эҳтиёт чораси ҳақида тавсиялар берувчи технологияларни жорий этиш мақсадга мувофиқ; учинчи босқичда, яъни узоқ истиқболда жиноят иши юзасидан қарор қабул қилиш, жазо тайинлаш, жазонинг миқдори ва турини белгилаш бўйича тавсиялар берувчи, шахсларнинг кўрсатмаларидаги ёлғон даражасини аниқловчи ва бошқа шу каби тизимларни жорий қилиш мумкин.

Умуман олганда, жиноят процессига сунъий интеллект ва бошқа рақамли технологияларни жорий этиш олдиндан чуқур таҳлил қилинган ҳолда амалга оширилиши, иш юритишни енгиллаштириши ва тартибга солишга қаратилган бўлиши, энг асосийси, манфаатдор шахсларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан фаол фойдаланишларига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. "2021-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида сунъий интеллектни ривожлантириш стратегияси" лойиҳаси // [Электрон манба]. URL: <https://regulation.gov.uz/ru/document/19838>
2. <http://www.oecd.org/going-digital/> (Accessed 22rd Aug 2020).
3. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 10 мартдаги "Суд ишларини юритиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-607-сонли Қонуни // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/4759748>.
4. Applying automatic text-based detection of deceptive language to police reports..., Knowledge-Based Systems, Volume 149, 2018. Pages 155-168. // <https://doi.org/10.1016/j.knosys.2018.03.010>. Accessed 23rd Aug 2020.
5. Ръжкова А. Бот рассудит. Как искусственный интеллект вживляют в судебную практику // Русский репортер. 2018. № 1–2. С. 34–35.
6. Aletras N, Tsarapatsanis D, PreoŃiu-Pietro D, Lamos V. 2016. Predicting judicial decisions of the European Court of Human Rights: a Natural Language Processing perspective. PeerJ Computer Science 2:e93 <https://doi.org/10.7717/peerj-cs.93>. Accessed 23rd Aug 2020.
7. E. Schlehahn, T. Marquenie, E. Kindt. Data Protection Impact Assessments (DPIAs) in the law enforcement sector according to Directive (EU) 2016/680 - a comparative analysis of methodologies. <http://valcri.org/our-content/uploads/2018/06/VALCRI-DPIA-Guidelines-Methodological-Comparison.pdf> (2014). Accessed 23rd Aug 2020.
8. Совет Европы принял первый регламент для искусственного интеллекта в судебной системе. URL: <https://tass.ru/obschestvo/5877495> (дата обращения: 23.08.2020).
9. Aletras N, Tsarapatsanis D, PreoŃiu-Pietro D, Lamos V. 2016. Predicting judicial decisions of the European Court of Human Rights: a Natural Language Processing perspective. PeerJ Computer Science 2:e93 <https://doi.org/10.7717/peerj-cs.93>. Accessed 23rd Aug 2020.
10. Искусственный интеллект приведет к массовому изгнанию широкого пласта юристов // Интервью с Лоуренсом Лессингом. URL: [https://zakon.ru/discussion/2019/05/22/iskusstvennyj\\_intellekt\\_privedyot\\_k\\_massovomu\\_izgnaniyu\\_shirokogo\\_plasta\\_yuristov\\_intervyu\\_s\\_louren](https://zakon.ru/discussion/2019/05/22/iskusstvennyj_intellekt_privedyot_k_massovomu_izgnaniyu_shirokogo_plasta_yuristov_intervyu_s_louren) (дата обращения: 23.08.2020).



# ЭГАЛИК ҚИЛИШНИ ҲИМОЯЛАШНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Восид ЭРГАШЕВ,**

Жаҳон иқтисодиёти ва  
дипломатия университети  
мустақил изланувчиси,  
ю.ф.н.

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола миллий фуқаролик ҳуқуқи фанида етарли даражада ўрганилмаган эгалик қилишни ҳимоя қилиш муаммосига бағишланган. Мақолада эгалик қилишни ҳимоя қилишнинг тарихий илдизлари ва ривожланган мамлакатлар фуқаролик қонунчилиги таҳлили асосида эгалик қилишни ҳимоя қилишнинг умумий тавсифи берилган ва индивидуал усуллари аниқланган.

**Калит сўзлар:** эгалик қилишни ҳимоя қилиш, ўз-ўзини ҳимоя қилиш, поссессор ҳимоя, петитор ҳимоя, мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, инсофли эгалловчи, мулк ҳуқуқи.

## АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена недостаточно изученной в национальной цивилистической науке – проблеме защиты владения. В статье на основе анализа исторических предпосылок защиты владения и гражданского законодательства развитых стран дается общая характеристика владельческой защиты и выясняются отдельные способы защиты владения.

**Ключевые слова:** защита владения, самозащита, посессорная защита, петиторный иск, защита права собственности, добросовестный владелец, право собственности.

## ANNOTATION

This article is devoted to the problem of property protection, which is insufficiently studied in the national civil science. In the article, based on the analysis of the historical prerequisites for the protection of ownership and civil legislation in developed countries, a general characteristic of ownership protection is given and individual methods of protection of ownership are revealed.

**Keywords:** protection holdings, self-defense, possessorial protection, petitorial suit, protection of ownership, neighborly owner, ownership.

Эгалик қилиш нафақат шахснинг табиий ҳуқуқи, балки умуман барча ашёвий ҳуқуқларнинг ўзаги ҳисобланади. Бу масалада Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳуқуқи назарияси ва фуқаролик қонунчилиги эгалик қилиш ҳуқуқини ўрганиш ва ҳуқуқий тартибга солиш масаласида континентал ҳуқуқ тизимидаги “мумтоз” ёндашув асосий жиҳатларини инкор этувчи собиқ Иттифоқ давридаги ёндашувга ҳали-ҳануз амал қилиб келаётганлиги мол-мулкнинг тегишлилигини белгилаш билан боғлиқ муносабатларнинг умумэтироф этилган ҳуқуқий тартибга солиш амалиётини шакллантиришга тўсқинлик қилмоқда. Маълумки, собиқ Совет фуқаролик ҳуқуқи фақатгина титулли эгалик қилишни тан олган ва ҳимоя қилган. Бундай эгалик қилиш алоҳида институт сифатида кўрилмасдан, балки у ёки бу субъектив ҳуқуқининг таркибий қисми сифатида кўрилганлиги боис Совет фуқаролик ҳуқуқи мустақил ашёвий ҳуқуқ сифатида эгалик қилишни ва шунингдек эгалик қилишнинг ҳимоясини ҳам инкор этган. Ҳозирда ҳам амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига (кейинги ўринларда ФК деб берилади) мол-мулкка эгалик қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ва уни мустақил ҳимоя қилишини белгиловчи нормалар мавжуд эмас. Мазкур ҳолат Ўзбекистон Республикасининг янги ФК айнан шу масала бўйича деярли олдинги фуқаролик қонунчилиги позициясини эгаллаганлигини кўрсатади. Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилган ўзгаришлар фуқаролик муомаласини тартибга солиш механизмига нисбатан мулк ҳуқуқини асосий ашёвий ҳуқуқ ва эгалик қилишни эса унинг элементларидан бири деб ҳисобловчи эски қоидаларни қўллашга имкон бермайди.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепциясининг тасдиқланиши ўта муҳим аҳамият касб этади ва фуқаролик қонунчилигини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади. Концепцияга мувофиқ, янги таҳрирдаги Фуқаролик кодексига мулкдор ҳуқуқларини кенгайтириш йўли билан ашёвий ҳуқуқлар институтини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Назаримизда, янгиланиши



режалаштириладиган фуқаролик қонунчилиги доирасида эгалик қилиш билан боғлиқ масалалар ҳам ижобий нуқтаи назардан ўз ечимини топиши лозим.

Эгалик қилишни ҳимоя қилишни асослаш тўғрисидаги масала фуқаролик ҳуқуқининг қизғин баҳс-мунозараларига сабаб бўлиб келаётган масалаларидан бири ҳисобланади. Гап шундаки, одатда ашёнинг эгаси, ашёга бўлган титул бор-йўқлигидан қатъи назар, ҳимоя қилинган. Шу тариқа ҳатто ғайриқонуний эгалик ҳам тан олинган ва ҳимоя қилинган.

Ашёга эгалик қилиш шахснинг ашё билан унинг хоҳиш-иродасига асосланган фактик алоқаси сифатида бизни қуршаган воқеликдаги ашёлар ҳолатининг барқарорлиги нуқтаи назаридан ҳам, ашёга эгалик қилувчи шахснинг хоҳиш-иродасига ҳурмат кўзи билан қараш нуқтаи назаридан ҳам ўз-ўзича ҳимоя қилиниши лозим. Кўриб турганимиздек, бу ерда эгалик қилишни ашёларнинг мавжуд қайта тақсимланишининг барқарорлигини сақлаш усули сифатида ҳимоя қилиш функцияси биринчи ўринга чиқади<sup>1</sup>.

Рим хусусий ҳуқуқида эгаликни ҳимоя қилиш шу маънода универсал, мутлақ хусусиятга эга бўлганки, ундан ҳар қандай учинчи шахсларга, шу жумладан, ашёнинг мулкдорига қарши фойдаланилган. Мулкдорга эса ўз мулк ҳуқуқини (эгалик қилиш ҳуқуқини эмас) ҳимоя қилиш учун махсус ашёвий-ҳуқуқий (виндикацион) ва кондикцион даъволар тақдим этиш ҳуқуқи берилган.

Эгалик қилишни ҳам ҳуқуқ, ҳам факт сифатида тавсифлаш фойдасига келтирилган далиллардан бири ашё эгаси эгалик қилиш ҳуқуқининг ҳимоя қилинишидир. Рим ҳуқуқида эгалик қилиш ҳуқуқи маъмурий хусусиятига эга бўлган махсус интердиктлар ёрдамида ҳимоя қилинган. Бундай процессда низо тарафлари ҳуқуққа ҳавола қилиш имкониятига эга бўлмаганлар, текшириш предмети сифатида фақат эгалик қилиш ҳуқуқи бузилган пайтда эгалик фактини аниқлаш амал қилган. Бундай низо кўриб чиқиш эгалик ҳуқуқини тиклашга, уни ўзбошимчалик ва зўравонликдан ҳимоялашга қаратилган. Бузилган эгалик қилиш ҳуқуқини тиклашнинг мазкур механизмидан фойдаланувчи, суд қарорининг ҳуқуқ тўғрисидаги масалалар ечимига боғлиқ эмаслиги билан тавсифланувчи процесс-посессор ҳимоя деган ном олган.

Фактик муносабатни қўриқловчи давлат мажбуурлови механизми сифатидаги посессор ҳимоянинг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг амал қилиши доирасига ғайриқонуний эгалик қилувчилар ҳам кирган. Масалан, ўғрилар ва босқинчилар ҳар қандай учинчи шахслардан, ҳатто ашёга мулк ҳуқуқида эгалик қилувчи мулкдорлардан ҳам ҳимоя қилинган. Ваҳоланки, тарафлар ҳулқ-атворнинг ҳуқуқий асосига далил сифатида келтирилиши талаб этиладиган петитор процессида улар, ҳеч шубҳасиз, ютқизган бўлар эди. Бироқ посессор ҳимоянинг моҳияти ашёнинг ғайриқонуний эгала-



рини ҳимоя қилишда эмас, балки фактик муносабатларни зўравонлик ва ўзбошимчаликдан ҳимоя қилишда намоён бўлади, эгалик қилиш ҳуқуқини ҳимоялаш мустақил (ашёга бўлган ҳуқуққа боғлиқ бўлмаган) хусусият касб этади. Бундай процессда тарафлар ҳуқуққа асосланиш имкониятига эга бўлмаганлари боис, процесснинг ўзи тезкор хусусиятга эга бўлган. Мазкур усулнинг ушбу жиҳатини эътиборга олган ҳолда немис цивилисти Р.Иеринг уни мулк ҳуқуқини соддалаштирилган тарзда ҳимоя қилиш деб номлаган<sup>2</sup>.

Фактик эгаликни ҳимоя қилиш асосларидан бири эгаликнинг қонунийлиги презумпцияси ҳисобланади. Посессор процессида уни рад этиш зўравонлик ва ўзбошимчалик фактини исбот қилишни тақозо этади. Бир эгаликнинг бошқа эгалик олдида қонунийлигининг бошқа барча ҳуқуқий асослари эгалик қилиш элементини ўз ичига олган ҳуқуқни ҳимоя қилишга доир низода кўриб чиқилади.

Посессор ҳимоянинг ажаблантирадиган жиҳати шундаки, Рим ҳуқуқи бўйича ашёнинг ноқонуний эгалловчилари ундан фойдаланишга рухсат берилган бўлса, ашёнинг эгаси сифатида тан олинмаган ижарага олувчи ёки бошқа детенторларни мазкур ҳимоя усулидан фойдаланишни рад этган.

Д.И.Мейер посессор ҳимояга эгалик қилиш фактик муносабат ҳисобланишини тасдиқловчи далил сифатида қараган. Айни пайтда олим ҳимоя механизмининг мавжудлиги ҳуқуққа эгаликни тан олиш учун асос бермаслигини таъкидлаган. Гап шундаки, ашёнинг эгаси зўравонлик ва ўзбошимчаликдан ҳимоя қилинади, лўнда қилиб айтганда, қонун эгаликни эмас, балки эгалик қилувчини, инсонни ҳимоя қилади<sup>3</sup>.

Бугунги кунда эгалик қилиш мустақил аҳамият касб этмаслиги боис, фуқаролик қонунчилигига мустақил эгалик қилиш ҳимояси ҳам маълум эмас. Ашёни ўзида сақлаб турганлар эгалловчи мақомини олганларидан сўнг уларга мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни ашёвий-ҳуқуқий усулларидан фойдаланиш имконияти тақдим этилган. Ҳозирги вақтда ФКнинг 232-моддасида ашёнинг ҳар қандай қонуний эгасини ҳимоя қилиш назарда тутилган. Шу тўғрисида ҳам бугунги кунда эгаликни ҳимоя қилиш тўғрисида гапирганда, энг аввало, ашёнинг қонуний эгасини ҳимоя қилиш назарда тутилади. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, виндикацион ва не-

гатор даъволар фактик ҳолат ҳисобланувчи эгалик қилишни эмас, балки мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш усуллари ҳисобланади.

Ашённинг қонуний эгаси ФКнинг 232-моддаси ёрдамида эгаликни ўзининг ашёга бўлган ҳуқуқини (масалан, мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш, хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқини) ҳимоялаш орқали ҳимоя қилади. Бунда тегишли ҳуқуққа эга бўлган субъект қайси ҳуқуқ бузилганига қараб турли воситалардан фойдаланиши мумкин. Масалан, мулкдор ва ашённинг бошқа қонуний эгаси ўз ҳуқуқларини виндикацион, негатор даъволар билан, ҳуқуқни тан олиш, асоссиз орттирилган бойликни қайтариш тўғрисидаги даъволар бериш, давлат ҳокимияти органларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)ни ҳақиқий эмас (ғайриқонуний) деб топиш тўғрисида аризалар бериш орқали ҳимоя қилиш имкониятига эга.

ФКнинг 11-моддасида фактик ҳолатларни ҳимоя қилиш имконияти назарда тутилмаган. Ушбу модданинг амал қилиш доирасига фақат субъектив фуқаролик ҳуқуқларнинг бузилиши ҳоллари тушади. Субъектив фуқаролик ҳуқуқи тушунчасига мос келмайдиган, бироқ, шунга қарамай, ҳуқуқий тизим ҳимоясига муҳтож бўлган ҳолатлар учун юриспруденцияда қонун билан қўриқланадиган манфаат конструкцияси яратилган. Шу туфайли ҳам тўлақонли субъектив ҳуқуқларга киритиш мумкин бўлмаган, бироқ юридик факт – ҳолат ҳисобланадиган эгалик қилиш ҳимояга муҳтождир. Шу ўринда табиий бир савол туғилади: эгалик қилиш муддати ўтган эгалик қилувчининг ҳуқуқи қайси ҳуқуқий категория сифатида ҳимоя қилинади? В.В.Шагова бу ҳолда эгалик қилишни қонун билан қўриқланадиган манфаат сифатида тавсифлашни таклиф қилади<sup>4</sup>. Т.Н.Сафронова эгалик қилиш муддати ўтган шахснинг ашёга эгалик қилиш ҳуқуқини чекланган ашёвий ҳуқуқ сифатида тавсифлайди<sup>5</sup>.

Биз эгалик қилиш муддати ўтган эгалик қилувчининг (ФК 187-моддаси талқинидаги) ҳолатини қонуний манфаат сифатида тавсифлаш тўғрисидаги таклифга қўшилаемиз. Бизнинг назаримизда, эгалик

қилиш муддати ўтган эгалик қилувчининг ҳуқуқини ҳимоя қилиш ўтмишда мавжуд бўлган мустақил посессор ҳимоянинг ўзига хос қўриниши ҳисобланади. Эгалик қилиш фактидан фарқли ўлароқ, ҳуқуқ эгаликка оид махсус даъволар ёрдамида эмас, балки бошқа ҳуқуқий воситалар (виндикацион, негатор даъволар, ҳуқуқни тан олиш тўғрисидаги даъволар ва ҳ.к.) ёрдамида ҳимоя қилинади. Эгалик қилиш муддати ўтган эгалик қилувчи ашёвий ҳуқуқ эгаси сифатида тан олиниши мумкин эмас, чунки унинг эгалик ҳуқуқи ҳимояси чекланган хусусиятга эга ва у мулкдорга ёки ашёга бўлган ҳуқуққа эга бўлган бошқа шахсга қарши кучсиз.

Шуни таъкидлаш керакки, англо-саксон ҳуқуқ тизимида континентал ҳуқуқий тизимига хос ва мос бўлган посессор даъволарга ўхшаш даъволар мавжуд эмас. Ушбу ҳуқуқ тизимида эгалик қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш деликт ҳуқуқи доирасида амалга оширилади (бировнинг мулкига тажовуз қилишда ифодаланган жиноят)<sup>6</sup>.

Германияда ашённинг бевосита ва билвосита эгалари манфаатларининг тўқнашуви эгаликни ҳимоя қилиш имкониятини уларнинг иккаласига ҳам бериш йўли билан ҳал қилинади. ГФТ 869-§ га мувофиқ, агар ашённинг бевосита эгаси унга эгалик қилишга қайта киришишни истамаса ёки кириша олмаса, ашёга билвосита эгалик қилувчи шахс эгалик ҳуқуқи ўзига берилишини талаб қилишга ҳақлидир<sup>7</sup>. Айни шу нормага биноан ашённинг билвосита эгаси фақат учинчи шахсларга қарши ҳимоя ҳуқуқига, ашённинг бевосита эгаси эса унинг билвосита эгасига қарши ҳимоя ҳуқуқига эгадир. И.А.Покровский бу қонидани танқид қилган ва эгаликка оид ҳимоя ашённинг билвосита эгасига унинг бевосита эгасига қарши ҳам берилиши лозим, деб ҳисоблаганлар. Унинг фикрича, эгаликни ҳимоя қилишда муайян фактик муносабат ҳар қандай ўзбошимчалик ва зўравонликдан ҳимоя қилинади, бинобарин, ашённинг билвосита эгаси муносабати ҳам ҳимоя қилиниши лозим<sup>8</sup>. Бунга мисол тариқасида ижарага олувчи ижара шартномасини бузиб, мулк эгасининг еридаги дарахтларни кесиб ташлаган ёки мулк эгаси ижара ҳақини олгач, ижарага олувчини ҳайдаб юборган ҳолатлар келтирилган. Посессор ҳимоя низонинг қисқа муддатда қўрилишини кафолатлагани боис, баён этилган ҳолатларда у шартнома бузилгунга қадар мавжуд бўлган ҳолатни тезда тиклаши мумкин бўлган.

Ҳозирги вақтда юқорида келтирилган муаммо фуқаролик қонунчилигида бирор бир тарзда ечилмаган. Бизнинг назаримизда, мазкур ҳолда устунлик мулкдорга берилиши лозим, чунки шартнома шартлари ижарага олувчи томонидан бузилган. Мулкдорнинг мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги талаби эса айни пайтда шартномани бекор қилиш тўғрисидаги талаб ҳамдир ва у суд томонидан эгаликни ҳимоя қилиш билан айни бир процессда қўриб чиқилиши лозим.





Шундай қилиб, эгалик қилишнинг ҳуқуқий табиати тўғрисидаги масала цивилистикада бир неча асрдан буён қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Дарҳақиқат, ҳуқуқ нуқтаи назаридан эгалик қилиш ўзига хос институтдир. У фактик муносабат ҳисобланади, бироқ юридик оқибатларга сабаб бўлади. Эгалик қилиш муддатининг ўтиши ашёнинг эгасига унга бўлган мулк ҳуқуқини вужудга келтиради. Ниҳоят, эгалик қилиш, ҳатто у ғайриқонуний бўлса ҳам, баъзи бир ҳуқуқий тизимларда ҳуқуқ билан ҳимоя қилинади.

Бундан ташқари, эгалик қилиш турли субъектив фуқаролик ҳуқуқлари таркибига кирувчи ҳуқуқ сифатида ҳам намоён бўлади, яъни мустақил хусусият касб этмайди. У фақат ўзи қайси ҳуқуқнинг таркибига кирса, шу ҳуқуқни ҳимоялаш доирасида ҳимоя қилиниши мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқи категорияси сифатида эгалик қилиш ички ўзаро зиддиятлар билан тавсифланиши туфайли, унинг ҳуқуқий табиатини фақат муайян эгалик ҳолатидан келиб чиқиб аниқлаш мумкин.

Эгалик қилиш назариясини ишлаб чиқишда Рим юристларининг хизматлари жуда ҳам салмоқлидир. Улар томонидан эгалик қилишнинг тизим яратувчи белгилари сифатида қайд этилган жиҳатлар ҳанузгача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Хусусан, эгалик қилишнинг таркибий тузилишини аниқлаш ғояси айнан Рим хусусий ҳуқуқи доирасида илгари сурилган. Эгалик қилиш тушунчаси замирида унинг икки элементи – *corpus possidendi* ва *animus possidendi* ётади. Айни шу элементлар ёрдамида эгалик қилишни ашёни сақлаб туришдан ажратиш мумкин. *Corpus possidendi* шахснинг ашё билан бевосита алоқасини англатса, *animus possidendi* эгалик қилишда эрк, хоши-ирода омилини, шахснинг ашёга бўлган муносабатини тавсифлайди. Ушбу элементлар ёрдамида эгалик қилишни сақлаб туришдан (бевосита эгалик қилишни билвосита эгалик қилишдан, мустақил эгалик қилишни мустақил бўлмаган эгалик қилишдан) ажратиш мумкин.

Эгалик қилиш турларининг таснифи ашёнинг моддий табиати билан белгиланади. Ашё билан фақат битта шахс бевосита алоқада бўлиши мумкин. Бир неча шахс битта ашёга биргаликда эгалик қилувчи ҳолат (масалан, умумий мулк ҳуқуқи мавжуд бўлганда) бундан мустаснодир. Бундан ташқари, ашёга бўлган ҳуқуқ бир шахсга (унинг қонуний эгасига) тегишли бўлган ҳолда, ашёга амалда бошқа шахс (унинг ғайриқонуний эгаси) эгалик қилиши мумкин. Шу туфайли ҳам ҳуқуқ ўзининг ривожланиш жараёнида ашёга даъвогар бўлган субъектларнинг манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали йўллари излайди. Умумий қоидага биноан, айни бир ашёнинг бир неча эгаларини ажратишга фақат кўп даражали, иерархиявий белгига кўра йўл кўйилади.

Эгалик қилишни ҳимоя қилиш унинг муҳим юридик оқибати ҳисобланади. Рим ҳуқуқида эгалик қилишни ҳимоя қилиш ўз моҳиятига кўра преторча

хусусиятга эга бўлган. Эгалик қилиш тўғрисидаги низода тарафларни бирор бир ҳуқуққа асосланишларига йўл қўйилмаган. Эгалик қилишнинг ҳимоя қилиниши фуқаролик ҳуқуқида эгалик қилиш институтининг мустақиллигини кўп жиҳатдан белгилаган. Ҳар қандай, ҳатто ғайриқонуний эгалик қилишни ҳимоя қилиш замирида ҳам ашёга эгалик қилувчининг шахсига нисбатан ўзига хос эътибор, ҳурмат ётади.

Собиқ Иттифоқ даврида эгалик қилиш фуқаролик ҳуқуқининг мустақил институти сифатида ўз аҳамиятини йўқотди. Эгалик фуқаролик ҳуқуқи фани доирасида субъектив фуқаролик ҳуқуқи таркибига кирувчи ҳуқуқлардан бири сифатида қарала бошлади. Эгалик қилишга мустақил посессор ҳимоя берилгани йўқ, чунки фақат қонуний эгаликни ҳимоя қилиш имконияти тамойил сифатида эълон қилинган эди. Шу туфайли ҳам ўша давр цивилистикасида эгалик қилиш институтига қизиқиш кучли бўлмаган.

ФК қабул қилиниши билан ҳуқуқ тизимида ҳимоя қилиниши лозим бўлган эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат институти жорий этилган бўлса-да, унинг амалда чекланган хусусиятга эгалигини таъкидлаш ўринли. Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш учун ФКнинг 187-моддаси қоидалари етарли эмас.

Бундан ташқари, амалдаги фуқаролик қонунчилигида ҳар қандай эгаликнинг алоҳида посессор ҳимояси механизмлари ҳанузгача мавжуд эмас. Натижада ашёнинг ҳақиқий эгалари мол-мулкни ўзганинг ғайриқонуний эгалигидан талаб қилиб олиш учун даъво билан арз қилиш муддатларини ўтказиб юборган мулкдор ёки ашёга бўлган ҳуқуқнинг бошқа субъекти зўравонлиги қаршида кўпинча ожиз бўладилар. Бизнингча, эгаликни ҳар қандай шахслар, шу жумладан, ашёга бўлган ҳуқуққа эга субъектларнинг ўзбошимчалиги ва зўравонлигидан ҳимоя қилувчи норма янгиланаётган ФКга киритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Покровский И.А. Основные проблемы гражданского права. – М.: Статут, 1998, – С. 227–228.; Шершеневич Г.Ф. Учебник русского гражданского права. – М.: Статут, 1999. – С.257.
2. Иеринг Р. Об основании защиты владения (по изд.1885 г.)– М.: Волтерс Клувер, 2016. – С. 23.
3. Мейер Д.И. Русское гражданское право. Часть 1. (по изд. 1902 г.) – М.: Статут, 1997. – С. 143
4. Шагова В.В. Титульное владение по российскому гражданскому праву: Автореф...дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2002. – С. 12.
5. Сафронова Т.Н. Проблемы владения в гражданском праве: Автореф...дис. ...канд. юрид. наук. – Саратов, 2002. – С. 11.
6. Гражданское и торговое право зарубежных государств. Учебник. В 2 т. Т. 2 / отв. ред. Е.А. Васильев, А.С. Комаров.- М. : Международные отношения, 2005. – С. 217.
7. Гражданское уложение Германии. Вводный закон к Гражданскому уложению / пер. с нем. В. Бергманна (введ., сост.) ; науч. ред. Т. Ф. Яковлева. - М.: Инфотропик Медиа, 2015.
8. И.А.Покровский. Кўрс. асар.



# СУДЛАР ФАОЛИЯТИ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Эркин САБИРОВ,**

Ўзбекистон Республикаси Бош  
прокуратураси Академиясининг  
мустақил изланувчиси, Фуқаролик  
ишлари бўйича Наманган туман-  
лараро судининг судьяси

## АННОТАЦИЯ

Мақолада судлар фаолиятининг очиқлиги ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари таҳлил этилиб, бу борадаги миллий қонунчилик ва хорижий тажриба асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича хулосалар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** суд ҳокимияти, судлар фаолиятининг очиқлиги, судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқи, миллий қонунчилик, конституция, процессуал асос, моддий-ҳуқуқий асос, хорижий тажриба, такомиллаштириш.

## АННОТАЦИЯ

В статье даются выводы касательно совершенствования национального законодательства исходя из национальной и зарубежной практики, также сделан анализ правовых основ обеспечения прозрачности судебной системы и права на информацию о деятельности судов.

**Ключевые слова:** судебная власть, прозрачность деятельность судов, право на информацию о деятельности судов, национальное законодательство, конституция, процессуальная основа, материально-правовая основа, зарубежный опыт, совершенствование.

## ANNOTATION

The article analyzes the legal basis for ensuring the transparency of the judicial system and the right to information about the activities of the courts, and also draws conclusions on improving national legislation on the basis of national legislation and foreign experience in this area.

**Keywords:** judicial power, transparency of courts, the right to information about the activities of courts, national legislation, constitution, procedural basis, substantive legal basis, foreign experience, improvement.

Таҳлиллар судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлашга қаратилган қонунчилик асосларини шартли равишда қуйидаги: конституциявий, процессуал ва моддий-ҳуқуқий асосларга ажратиш имконини беради.

Суд ҳокимиятининг фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари ҳақида гап кетганда, энг аввало Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустақамлаб қўйилган қатор нормаларни кўрсатиш мумкин.

Ҳокимиятнинг бошқа тармоқларига қараганда суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги масаласи ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 113-моддасида ҳамма судларда ишларнинг очиқ кўрилиши кафолатланиши билан бир қаторда ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилиши ҳақидаги норма ҳам назарда тутилган. Мазкур конституциявий норма мамлакатимизнинг бошқа қонун ҳужжатларида ривожлантирилган.

Суд ҳокимиятининг фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлашнинг процессуал ҳуқуқий асосларига Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонуни, Фуқаролик процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларини келтириш мумкин. Шу ўринда, “Судлар тўғрисида”ги Қонун бевоқиф процессуал қонун ҳужжати саналмасида, бироқ ушбу қонун нафақат суд тизими ва суд тузилишига оид қоидаларни, балки судда иш юритиш тартибига доир нормаларни белгилувчи муҳим қонун ҳужжати ҳисобланади.

Суд ҳокимиятининг фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлашнинг моддий-ҳуқуқий асосларига фуқароларимизнинг ахборот олишга бўлган ҳуқуқларини кафолатловчи Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Алоқа тўғрисида”ги, “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғри-



сида”ги, “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги, “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги қонунларни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни 8-моддаси иккинчи қисмига кўра ҳам давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар кимга ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ахборот билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаб беришга, мақбул ахборот ресурслари яратишга, фойдаланувчиларни фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига, уларнинг хавфсизлигига доир ҳамда жамият манфаатларига тааллуқли бошқа масалалар юзасидан ахборот билан оммавий тарзда таъминлашга мажбурдирлар.

1997 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қонун ҳужжатлари билан, шунингдек, ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб беришга мажбур эканликлари, ахборот олиш имконияти қонун ҳужжатларини ва тегишли материалларни эълон қилиш ва тарқатиш йўли билан таъминлашни ҳақидаги нормалар мустаҳкамлаб қўйилган<sup>1</sup>.

Хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасини таҳлил этган ҳолда “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонунга ўхшаш қонунларда айрим ижобий жиҳатларни кўриш мумкин. Хусусан, аксарият давлатларнинг шунга ўхшаш қонунларида ушбу қонунда қўлланилган асосий тушунчаларнинг таснифи берилганлигини кўриш мумкин. Хусусан, Россия Федерациясининг 2010 йил 1 январдан кучга кирган “Давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ҳақидаги ахборотлардан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддасида ушбу қонунда қўлланиладиган тушунчаларнинг таснифи берилган бўлиб, унда, масалан, ахборот олиш ваколатига эга бўлган шахсларнинг таърифи ҳамда уларнинг аниқ рўйхати ўз ифодасини топган. Унга кўра, ахборотдан фойдаланувчи сифатида фуқаро (жисмоний шахс), ташкилот (юримдик шахс), жамоат бирлашмалари, давлат

органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари эътироф этилган<sup>2</sup>. Айрим ривожланган давлатлар, хусусан, Германиянинг 1998 йил 10 мартда қабул қилинган “Расмий ҳужжатлар билан танишиш ва ахборот олиш ҳуқуқи тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддасида ахборот олиш ҳуқуқига ҳар қандай шахс, шу жумладан, чет эл фуқароси ҳам эга бўлиши белгиланиб, ахборотдан фойдаланувчи субъектлар доираси чекланмаган<sup>3</sup>. Бельгия Қироллигининг “Маъмурият соҳасида ошкоралик тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида ҳам худди шунга ўхшаш норма мустаҳкамлаб қўйилганлигини кўриш мумкин<sup>4</sup>. Шундай экан, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ҳам ахборотдан фойдаланувчиларнинг рўйхатини кенгайтириш ва шу мақсадда ахборот олиш ҳуқуқига ҳар қандай шахс, шу жумладан, чет эл фуқароси ҳам эга бўлишини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, улар фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқини амалга ошириш устидан назорат қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилади. Бу каби назорат аксарият давлатларда парламент томонидан тайинланадиган ихтисослаштирилган омбудсманлар томонидан амалга оширилади. Масалан, Ирландияда ахборот масалалари бўйича комиссарга (англо-саксон анъаналари бўйича омбудсманни комиссар деб аташ қабул қилинган) ахборот олиш ҳуқуқи бузилган шахс ариза билан мурожаат қилиши мумкин бўлиб, комиссарнинг бу борада қабул қилган қарори мажбурий кучга эга бўлади. Канадада комиссарнинг бу борада қабул қилган қарори мажбурий кучга эга бўлмаса-да, бироқ у текшириш ишла-

*Устоз-муаллимсиз*

*қолганда замон?*

*Нодонликдан қаро*

*бўларди замон.*

**Абдурахмон**

**ЖОМИЙ**

рини амалга ошириши ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан бу борада йўл қўйилган қонун бузилиш ҳолатларининг рўйхатини оммавий равишда эълон қилиши белгилаб қўйилган. Ундан ташқари, ахборот олиш ҳуқуқи масалалари бўйича Комиссар ҳар йили давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан “Ахборот олиш ҳуқуқи тўғрисида”ги Қонун талаблари қандай бажарилаётганлиги ҳақида парламент олдида маъруза тайёрлайди. Комиссарнинг ушбу маърузаси унинг сайтида эълон қилинади ва у барча учун очиқ ҳисобланади.

Айрим хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси шуни кўрсатадики, ахборот олиш ҳуқуқини амалга ошириш устидан назорат махсус маъмурий комиссиялар томонидан олиб борилади. Мазкур назорат моделининг афзаллиги шундаки, назорат ихтисослаштирилган ва маъмурий кучга эга бўлган ҳукумат комиссияси томонидан амалга оширилиб, унинг қабул қилган қарорлари мажбурий ҳисобланади. Маъмурий назорат органларининг ваколатлари кучли бўлган давлатлар қаторига Ҳиндистон ва Мексика каби давлатларни киритиш мумкин.

Давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқининг таъминланаётганлиги устидан назорат олиб бориш тартибига доир нормалар Россия Федерациясининг “Давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ҳақидаги ахборотлардан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Қонунида ҳам учрайди. Мазкур Қонуннинг 24-моддасида давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқининг таъминланаётганлиги устидан назорат олиб борувчи шахслар таркиби, уни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бу борадаги прокурор назоратига доир нормалар назарда тутилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш мақсадида “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонунига ҳам мазкур қонунни амалга ошириш устидан назорат қилиш масалаларини тартибга солувчи нормаларни киритиш таклиф қилинади.

Мамлакатимизда суд ҳокимиятининг фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлашга доир кўплаб қонуности ҳужжатлари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари қабул қилинди.

2019 йилда Ўзбекистон Ҳукуматининг таклифи биноан Ўзбекистонга ташриф буюрган судьялар ва адвокатларнинг мустақиллиги бўйича БМТнинг махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига тақдим этган ва 2019 йилнинг 13 июль куни эълон қилинган маърузасида Президент Шавкат Мирзиёевнинг инаугурациясидан бери мамлакатда амалга оширилган баъзи чора-тадбирлар суд мустақиллигини мустаҳкамлаш ва адвокатлар томонидан профессионал фаолиятни эркин амалга оширишни ўз ичига олганлигини, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар ичида Олий суд веб-сайтида суд қарорларининг мунтазам равишда эълон қилиниши, ошкораликни ошириш ва одил судловга эришиш учун электрон процедураларни босқичма-босқич жорий этилганлигини алоҳида таъкидлаган<sup>5</sup>.

Бироқ, шундай бўлса-да, Диего Гарсия-Саян БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига тақдим этган юқоридаги маърузасида Ўзбекистонда мустақил ва холис суд тизимига оид муаммоларга тўхталиб ўтган. Унга кўра, суд биноларининг ногиронлар учун очиқ бўлишини таъминлаш бўйича мамлакат саъй-ҳаракатларини эътироф этган Диего Гарсия-Саян, яқинда таъмирланган бинолар ногиронлар учун тўлиқ имкониятга эга эмаслигини, суд биноларининг аксарияти, айниқса асосий шаҳарлар ташқарисида, ногиронлар учун умуман очиқ эмаслигини, суд иш юритуви ҳаммабплиги масалаларида махсус маърузачи сурдо-таржимонлар сонининг етишмаслигини, сенсор, интеллектуал ёки психосоциал бузилишлари бўлган шахслар учун мақбул кўринишдаги ҳужжатларнинг йўқлиги, шунингдек, ногиронлиги бўлганларнинг адвокат, суд ходими ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари сифатида суд юритуви фаолиятида бевосита ёки билвосита иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш бўйича сиёсатнинг мавжуд эмаслигини хавотир билан ифода этиб ўтган.

Ҳозирги вақтда ногиронлиги бўлган шахсларнинг одил судловдан бошқалар қаторида





тенг фойдаланишга бўлган ҳуқуқларини тўсувчи ёки чекловчи меъморий ва тил билан боғлиқ ғовларни бартараф этиш тавсия этилди. Махсус маърузачи донорлар ҳамжамиятини Ўзбекистоннинг ногиронлиги бўлган шахсларнинг одил судловдан фойдаланиш имкониятларини таъминлашда фуқаролик жамияти, шу жумладан, ногиронлар ташкилотлари билан ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга чақирди.

Шунингдек, БМТнинг махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян маърузасининг тавсиялар қисмида барча ҳолатларда суд қарорлари асосли ва ошкора эълон қилиниши кераклигини, юқори суд томонидан кўриб чиқилишидан ёки қонунда белгиланган алоҳида ҳолатларда иш юритиш қайта тикланишидан ташқари суд қарорлари қайта кўриб чиқилиши мумкин эмаслигини таклиф сифатида кўрсатди. Махсус маърузачининг таклифлари ичида судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлашга қаратилган бир қатор тавсиялар ҳам илгари сурилди. Хусусан, Ўзбекистон ўз ҳудудида ва унинг юрисдикциясидаги барча кишиларнинг судлар ва суд жараёнларига киришлари учун зарур чораларни кўриши кераклиги, ҳозирги вақтда ногиронларнинг бошқалар билан тенг асосда одил судловга бўлган ҳуқуқини чеклайдиган меъморий ва тил тўсиқларини олиб ташлашни талаб қилиниши шулар жумласидандир<sup>6</sup>.

Мамлакатимизда суд ҳокимиятининг очиқлигини ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш, шунингдек, БМТ Махсус маърузачининг тавсияларини амалга ошириш, қолаверса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида суд-ҳуқуқ соҳасида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида Ўзбекистондаги суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлашга оид мавжуд қонун ҳужжатларини ягона қонунга бирлаштириш натижасида Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар ва ташкилотларнинг судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Дарҳақиқат, юридик адабиётларда давлат органлари фаолиятининг очиқлиги билан боғлиқ қонунларни ягона қонунга бирлаштириш бўйича таклифлар илгари сурилиб келинади. Хусусан, А.С. Агеев ўз тадқиқот ишида Россия Федерациясининг “Давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ҳақидаги маълумотларга киришни таъминлаш тўғрисида”ги Федерал қонуни ва “Россия Федерациясида судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларга киришни таъминлаш тўғрисида”ги Федерал қонунини маълумотларга киришни таъминлаш-



нинг умумий қоидаларини белгилаб берадиган ягона Федерал қонунга бирлаштириш таклифини илгари суради<sup>7</sup>.

таклиф этилаётган Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар ва ташкилотларнинг судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги Қонунда умумий қоидалар, судлар фаолияти ҳақида ахборот олишни ташкил этиш ва ушбу маълумотларни олишдаги асосий талаблар, судлар фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиш, суд органларининг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги, судлар фаолияти ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш, судлар фаолияти ҳақида ахборот олишни таъминлашни назорат қилиш ҳамда яқиний қоидалар назарда тутилиши керак.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелдаги “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 108-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда.
2. Федеральный закон от 09.02.2009 N 8-ФЗ (ред. от 28.12.2017) «Об обеспечении доступа к информации о деятельности государственных органов и органов местного самоуправления» // www.consultant.ru (Дата сохранения: 01.08.2020 г.).
3. Gesetz zur Regelung des Zugangs zu Informationen des Bundes vom 5. September 2005 (BGBl. I S. 2722), geändert durch Artikel 2 Absatz 6 des Gesetzes vom 7. August 2013 (BGBl. I S. 3154).
4. Королевство Бельгия Закон «О гласности в сфере администрации» // [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=1020187](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=1020187); Доклад на тему: «Объективные предпосылки разработки и принятия Закона Республики Узбекистан «Об открытости деятельности органов государственной власти и управления» на международном «круглом столе» // [http://old.mtc.uz/en/press\\_center/speeches\\_statements/2345/](http://old.mtc.uz/en/press_center/speeches_statements/2345/)
5. “Ўзбекистон суд тизимини ҳозирча муқтақил дея олмаймиз” // БМТнинг махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян маърузаси. <https://www.gazeta.uz/uz/2020/07/17/review/>; <https://undocs.org/ru>
6. Совет по правам человека. Сорок четвертая сессия 15 июня – 3 июля 2020 года. Пункт 3 повестки дня Поощрение и защита всех прав человека, гражданских, политических, экономических, социальных и культурных прав, включая право на развитие // Посещение Узбекистана. Доклад Специального докладчика по вопросу о независимости судей и адвокатов // <https://undocs.org/ru>
7. Агеев А.С. Право на доступ к информации, находящейся в распоряжении государственных органов (особенности конституционно-правового регулирования в России и в Германии) // Автореф. дисс. канд. юрид. наук. -Москва, 2016. – 10 с.

# ҲАР БИР ГАПИ ҲИКМАТ ЭДИ, УСТОЗНИНГ...

(УСТОЗ, АКАДЕМИК ҲОЖИ-АКБАР  
РАҲМОНҚУЛОВНИ ХОТИРЛАБ)

*Мен 1983 йилда Самарқанд давлат университети тамомлаб, ҳуқуқшунослик факультетида ўқитувчи лавозимида ишга жойлашдим. Кейинчалик англадимки, ўшанда тақдир мени Ҳожи-Акбар Раҳмонқуловдек буюк устоз раҳбарлигида ишлаш бахти билан сийлаган экан. Мустақиллик шамоллари эса бошлаган ўша 1989 йилда домланинг саъй-ҳаракати билан Республикада илк бор фуқаролик ҳуқуқи мутахассислиги бўйича илмий Кенгаш ташкил этилди. Шунгача биз илмий иш қилиш учун Москванинг илмий даргоҳлари остоналарида саргайиб туришга маҳкум эдик. 1990 йилда бир гуруҳ ёшлар ана шу Кенгашда номзодлик ишларини ҳимоя қилдик.*



Домланинг тавсияси билан мен Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига ишга кирдим. Ўша пайтларда прокуратуранинг марказий аппаратида миллий кадрлар бармоқ билан санарли эди. Ишга чунонам берилиб, илмдан бироз чекингандай эдим. Бир куни домла мени ҳузурига чақириб, “иқтидорингиз бор, нега илми ташлаб кўйдингиз?” деб қолдилар. Мен “устоз, ўзимнинг ҳам кўнглим хижил, прокуратурада ишларни биласиз-ку, вақтим етишмаяпти” деб ўзимни оқлаган бўлдим.

– Вақтингиз етишмаяптими? - деди домла жилмайиб. – Ухлашга вақт топаяпсизми?

– Ҳа, албатта! – дедим мен хайрон бўлиб.

– Яхши! Уйқунгиздан ҳар куни 15 дақиқа кеча оласизми? – деди домла елкамга кўлини кўйиб.

– Кеча оламан! – дедим мен дадил.

– Тўй-маърака, туғилган кун, ош, “гап-гаштак” дегандай, уларга ҳам бориб турсизми? – савол беришда давом этди устоз.

– Ҳа, дедим ва гап қаёққа бораётганини англай бошладим.

– Тузук! Шу тadbирлардан 15 дақиқа олдин туриб кета оласизми? – деди илмоқ билан.

– Албатта, дедим!

– Кун бўйи ишлайсиз! Ишингиздан толиққанингизда танафузга чиқиб, шунда ҳам 15 дақиқа вақтингизни илмга ажратсангиз, шуларнинг ўзи ҳам Сизга яхшигина имкониятни пайдо қилади, деди қатъий бир оҳангда.

– Имкон топса бўлади...

– Ана кўрдингизми, йўқ жойдан илм билан шуғулланиш учун қанча вақт пайдо бўлаяпти. Агар ҳар куни умрингизнинг бир соатини илмга, китоб мутолласига бағишласангиз кам бўлмайсиз! – деди устоз меҳрибонлик билан.

Ўша кундан бошлаб мен устознинг ўғитига қатъий риоя қилишни бошладим. Бу ҳикмат ҳаётимнинг мазмунига, умримнинг олтин қондасига айланиб қолди. Орадан уч йил ўтиб, 2004 йилда докторлик диссертациямни муваффақиятли ҳимоя қилдим, 10 дан ортиқ илмий рисоалар, 100 га яқин илмий мақолаларим чоп этилди. 2005 йилдан шеърлар машқ қила бошладим. Шу кунга қадар бир қанча назмий китобимларим, олти детектив асарим ўқувчилар кўлига етиб борди...

Устознинг биттагина ўғити қалбимдаги илҳом булоғини очиб юборган, ҳаётда шунчалар ютуқларга эришимизга сабаб бўлди. Мен эса шу ҳикматни ҳар доим фарзандларимга, невараларим (улардан учтасининг шахмат бўйича чемпион бўлишларининг сабаби ҳам шу бўлса ажабмас)га, ёшларга такрор-такрор айтишдан чарчамайман. Демак, устознинг шу ўғити ҳали қанчадан-қанча қалбларга илҳом бахш этади.

Ҳа, муҳтарам устозимизнинг ҳар бир гапи ҳикмат эди...

**Комил СИНДАРОВ,**

юридик фанлар доктори,  
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси





# ҚАРЗ МУНОСАБАТЛАРИ ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТИЛАДИ?

**Ижтимоий ҳаётда кўпчилик одамлар ким биландир қарз муносабатига киришади, кимгадир қарз беради ёки кимдандир қарз олади. Баъзан бу муносабат турли кўнгилсизликларга ҳам олиб келиши мумкин. Бу ҳаётда кўп бора ўз исботини топган. Очигини айтиш керак, айниқса сўнгги пайтларда қарз аксарият ҳолларда турли низоларни келтириб чиқараётган, одамлар орасига тузатиб бўлмас зиддият солаётган ижтимоий муаммога ҳам айланиб улгурди. Бу борада ОАВда турли ахборотлар берилиб турибди.**

Қуйида эътиборингизга тақдим этилаётган мақолада қарз муносабатларини тартибга соладиган қонунчилик ва амалиётдаги муаммолар борасида атрофлича фикр юритилади.

## Битим қандай тузилади?

– Гарчи қарз билан боғлиқ муносабатлар фуқаро билан фуқаро, фуқаро билан юридик шахс, юридик шахс билан юридик шахс ўртасида вужудга келса-да, аммо айнан фуқаро билан фуқаро ўртасидаги қарз масаласи кўпчиликни қизиқтиради. Статистикага мурожаат қиладиган бўлсак, фуқаролик ишлари бўйича судларда қарз олди-бердиси билан боғлиқ низолар йилдан-йилга кўпайиб бораётганлигини кузатиш мумкин. 2019 йил давомида фуқаролик ишлари бўйича судларга қарзни ундириш билан боғлиқ 13 минг 500 дан ортиқ ариза тақдим этилган бўлиб, бу аризаларнинг 10 мингдан ортиғи қаноатлантирилиб, жавобгарлардан 130 миллиард сўмдан ортиқ қарз суммаларини даъвогарлар фойдасига ундириш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарорлари чиқарилган. 500 дан ортиқ аризалар асоссизлиги сабабли рад этилган, 500 дан ортиқ ҳолларда эса жавобгарлар томонидан даъвогар

тан олинган. Бундан ташқари, ўтган йили пул ва бошқа қимматли ашёларни фирибгарлик йўли билан қарз ниқоби остида олиб, қайтармаганлиги сабабли 80 га яқин шахс жиноий жавобгарликка ҳам тортилган, 30 нафардан ортиқ фуқарога нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

2020 йилнинг биринчи ярмида ҳам қарз билан боғлиқ аризаларнинг судларга келиб тушиши камаётгани йўқ.

Қарз билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва унинг асосида ишлаб чиқилган бошқа қонунлар ва қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинади. Шуни қайд этиш зарурки, қарз бериш ёки олиш – қарз берувчи ва уни олувчи ўртасида юзага келадиган келишув асосида юз беради. Мазкур битим юридик жиҳатдан қандай расмийлаштирилиши лозимлиги тўғрисида амалдаги Фуқаролик кодексида муайян қоидалар белгиланган. Даставвал, бундай шартнома (келишув) деганда нима тушунилади, деган саволга жавоб излаймиз. Мазкур кодекснинг 732-моддасида шундай дейилади: “Қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчига) пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўша суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баробар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади. Қарз шартномаси пул ва ашёлар топширилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади”. Демак, қарзнинг предмети пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёлар ҳам бўлиши мумкин. Турга хос аломатлари билан белгиланган ашёлар Фуқаролик кодексининг 87-моддасида таърифланган. Яъни, бундай ашёлар бошқаси билан алмаштирса бўладиган ашёлар бўлиб, бир турдаги ҳам-



**Илҳом НАСРИЕВ,**  
юридик фанлар  
доктори, профессор





ма ашёларга хос аломатларга эга бўлган ҳамда сони, оғирлиги, ўлчови кабилар билан белгиладиган ашёлардир. Улар сирасига, масалан, буғдой, шакар, сомон, гуруч, гишт ва бошқалар киради. Аммо хусусий аломатлари билан белгиладиган ашёлар, яъни ноёб, бир дона бўлган, шунингдек, муайян усул билан ажратиб қўйилган ашёлар, масалан: муҳр босилган, номер, рақам, белги туширилган нарсаларни қарзга бериб бўлмайди. Пул пул шаклида, шакар шакар тарзида қайтарилиши мумкин. Чунки, уларнинг сони, оғирлиги, ўлчови бор. Бинобарин, улар қонунга мувофиқ қарз предмети бўлиши мумкин. Хусусий аломатларга эга бўлган ашёларни эса қарзга бериб бўлмайди, агар берилган тақдирда ҳам бундай келишув ҳақиқий ҳисобланмайди.

Қарз шартномасининг шаклига амалдаги қонун ҳужжатларида аниқ талаблар қўйилган. Фуқаролик кодексининг 733-моддасига биноан фуқаролар ўртасида қарз шартномаси, агар бу қарзнинг суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда тузилиши, шартномадаги тарафлардан бири юридик шахс бўлганида эса суммасидан қатъи назар ёзма шаклда тузилиши шартлиги назарда тутилган. Демак, қарз шартномаси оддий ёзма шаклда тузилиши лозим. Ёзма шаклда тузилган битимни тарафлар ёки уларнинг вакиллари имзолаши шарт.

Шу ўринда бир жиҳатни таъкидлаш керак, амалдаги тартиб-таомилларга асосан қарз олди-бердисини амалга ошириш билан боғлиқ келишувнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди, бироқ низо чиққан тақдирда, тарафларни битимнинг тузилганлиги, мазмуни ёки бажарилганини гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади. Яъни, биринчидан, қарз оддий ёзма шаклда тузилган келишув шаклида расмийлаштирилган ҳужжат асосида берилиши керак. Иккинчидан, агар қарз ёзма равишда тузилган битим (келишув) асосида эмас, балки оғзаки келишувга биноан

берилган бўлса-ю, кейинчалик ихтилоф келиб чиқса, манфаатдор шахс келишув бўлганини, шартлашув мазмунини, унинг бажарилган ёки бажарилмаганлигини гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Ўнлаб киши низо юзасидан гувоҳлик берса ҳам, уларнинг кўрсатмалари инobatга олинмайди.

Ҳаётда қарз фуқародан фуқарога кўпинча тилхат асосида берилади ва шу сабабли ҳам суд амалиётида тилхат асосида пул олди-бердиси билан боғлиқ можаролар кўп учрайди. Тилхат судлар томонидан қарз бўйича келишув саналиб, даъво мазмунан ҳал қилинади, чунки Фуқаролик кодексининг 733-моддасида, агар қарз олувчининг тилхати ёки унга қарз берувчи томонидан қандайдир миқдордаги пул ёки буюм, ашёлар топширилганини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилган ҳисобланади, деб ёзиб қўйилган. Мазкур ҳужжатнинг 107-моддасида ёзма шаклда тузилган битим тарафлар ёки уларнинг вакиллари томонидан имзоланиши кераклиги кўрсатилган, аммо бунда гувоҳларнинг имзолари бўлиши шарт қилиб қўйилмаган.

#### **Нотариус тасдиқламасачи?**

– Қонунга биноан қарз шартномасини нотариал тасдиқлаш талаб этилмайди, яъни оддий ёзма шаклда тузилган қарз шартномаси нотариал тасдиқланиши шарт бўлган битимлар тоифасига киритилмаган. Аммо, тарафлардан бири буни талаб қилганда, Фуқаролик кодексининг 110-моддасига асосан мазкур келишув нотариус ёки бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга бошқа мансабдор шахс томонидан тасдиқловчи устхат ёзиб қўйиш йўли билан тасдиқланиши шарт ҳисобланади. Амалиётда кўпинча нотариал тасдиқланмайди ёки “бундай тоифадаги битимларни нотариал тасдиқлаш кўзда тутилмаган”-лиги учун уни нотариуслар тасдиқламайди. Гап шундаки, қарз шартномаси нотариал тасдиқлаш шарт бўлган битим саналмаса-да, уни тасдиқлаш тақиқланмаган. Шуни унутмаслик керакки, бирор нотариус келишувни тасдиқлашдан бош тортган вақтда тарафлардан бирининг талаби иккинчи ёки учинчи нотариус қошига олиб боради. Аммо, ҳаётда бундай ҳолат кам учрайди. Бунинг сабаби шундаки, аввало, тарафлар тегишли қонунларни яхши билмайди. Шунингдек, одатда, дастлаб фуқароларнинг бир-бирига ишончи ва ҳурмати зўр бўлади ва шу боис истиҳоланинг устун келиши ҳамда битимни нотариал тасдиқлаш учун тўланиши лозим давлат божини тўлашни хоҳламаслик мазкур муҳим ҳуқуқий қарор қабул қилинишига монелик қилади.

Қарз шартномасини нотариал тасдиқлаш учун тўланадиган бож тўғрисида гап очилган



экан, бу ҳақда батафсилроқ сўз юритиш мақсадга мувофиқ. “Давлат божи тўғрисида”ги Қонун иловаси билан давлат божи ставкалари миқдорлари тасдиқланган: (бугунги кунда базавий ҳисоблаш миқдори ҳажми 223 минг сўмга тенг)

- қарз шартномаси суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача бўлса, давлат божи БҲМнинг 25 фоизи миқдориди;

- сумма БҲМнинг 100 бараваридан 300 бараваригача бўлса, давлат божи БҲМнинг 50 фоизи, сумма базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 бараваридан ортиқ бўлса, давлат божи БҲМнинг 1 баравари миқдориди ундирилади.

Мисол учун, қарз суммаси 22 300 000 сўмгача бўлса, (базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача) бундай шартномани нотариал гувоҳлантириш учун 223 минг сўмнинг 25 фоизи – 55 минг 750 сўм миқдориди давлат божи тўланади. Албатта, бу қиммат эмас. Аммо амалиётда одамлар нотариусга бормай, тилхат асосида қарз беришни афзал кўради. Бунинг сабаби нимада? Тилхат асосида берилган қарзни суд орқали ундириш имконияти мавжуд экан, унда уни нотариал гувоҳлантиришга нима ҳожат? Гап шундаки, тилхат асосида берилган қарз қайтарилмаган ҳолларда бу низо фақат суд тартибиди ҳал этилади. Нотариал тартибда гувоҳлантирилган қарз суммаси қайтарилмаган ҳолларда эса амалдаги қонун ҳужжатларига асосан қарз берувчи битимни тасдиқлаган нотариусга мурожаат қилиб, ундан ижро ҳужжати олиши ва уни мажбурий ижро органига тақдим этиш орқали қарз суммасининг қайтарилишига эришиши мумкин. Бошқача айтганда, тилхат орқали берилган қарз суд орқали ундирилганда, ундирув суднинг ҳал қилув қарорига асосан берилган ижро варақаси асосида амалга оширилса, нотариал гувоҳлантирилган битим асосида берилган қарз нотариуснинг ижро варақаси асосида мажбурий ундирувга қаратилади. Ижро варақалари асосида мажбурий ундирув Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа давлат органларининг қарорларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунига асосан амалга оширилади. Қарздордан мажбурий равишда пул ундириш, биринчи навбатда, суд қарорига асосан берилган ижро варақалари асосида амалга оширилади. Нотариуснинг ижро варақалари асосида ундирув навбати бирмунча кечроқ келади. Чунончи, фуқаролик ишлари ва иқтисодий низолар бўйича судларнинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари, жиноят ишлари бўйича судларнинг ҳукмлари, ажримлари ва қарорларининг мулкий ундиришга оид қисми, шунингдек, жарима тариқасидаги жазони назарда тутувчи ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорларининг мулкий ундиришга оид қисми, алиментлар тўлаш тўғрисидаги нотариал тарзда

тасдиқланган келишувлар асосида ундирув амалга оширилгандан кейингина нотариусларнинг ижро хатлари асосида ундирувга навбат келади. Назаримизда, шунинг учун ҳам қарз берувчилар тилхат асосида қарз бериб, уни суд қарори асосида ундирилишини афзал билишса керак. Бундан ташқари, нотариус қарз қайтарилмаган ҳолларда қарз берувчининг мурожаатига асосан қарзнинг тўлиқ суммасига ёки унинг фоизлари суммасига ижро ҳужжатини беради. Агарда ижро ҳужжати берилгунга қадар қарзнинг маълум қисми қайтарилган бўлса ҳам нотариус тўлиқ суммага ижро хати беришга мажбур бўлади, чунки қарз нотариус ҳузурида қайтарилмаган бўлади ва ҳоказо.

#### **Тарафлар тенглиги қоидаси**

– Бир қарашда савол мантиқли, жўялига ўхшайди, аммо қарз муносабатлари ёки қарзнинг мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак, моҳият ойдинлашади. Яъни, қарз олиш-бериш муносабатида иштирок этувчи субъектлар тенг, улар бир-бирларига бўйсунмайди. Ҳатто, ота-она билан фарзанд ўртасида, бошлиқ билан ходим ўртасида тузиладиган қарзга оид келишувда ҳам улар айни масалада мустақил иш юритадилар ва тенгдирлар. Уларни кимдир қарз беришга ёки қарз олишга мажбур қила олмайди. Улар ўз ихтиёрлари билан бу ишни амалга оширадилар. Шунинг учун қарз қайтарилмаганлиги туфайли келиб чиқувчи оқибатлар учун масъулият ана шу тарафлар зиммасида ҳисобланади. Шунинг учун қарз қайтарилмаганлиги ёки айбдорга чора кўрилмаётганлиги учун давлат вакилларида, нотариусдан ўпкалаш тўғри эмас.

#### **Қарз қопланмаслиги ҳам мумкинми?**

– Фуқаролик кодексининг 735-моддасига кўра, қарз олувчи олинган қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда қарз берувчига қайтариши шарт. Агар қарз суммасини қайтариш муддати шартнома-





да белгиланмаган бўлса, қарз олувчи уни қарз берувчи қарзни қайтариш ҳақида талаб қўйган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида қайтариши шарт. Қарз ихтиёрий қайтарилмаса, манфаатдор шахснинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқи қонун билан кафолатланади. Аммо, бундай тоифадаги ишларни судлар кўриб чиқиб, ҳал этилиши, албатта қарз суммаси қайтарилишини таъминлайди, дегани эмас. Қарздорнинг етарлича пул маблағи ёки мол-мулки бўлмаса, қарз қопланмаслиги ҳам мумкин. Бўлмаса суд қарори нима учун керак? Суд қарори қарздор мол-мулкидан, маблағидан қарз суммасини ундириш учун зарур. Қарздорнинг мулки, маблағи етарли бўлмасачи? Унда қарз берган одам ўзидан гина қилсин. Чунки, у қарз берган вақтида унинг қайтарилишига суд ёки нотариус кафил бўлмаган.

Айтиш лозимки, пул ва бошқа қимматли ашёлар фирибгарлик йўли билан, қарз ниқоби остида олиниб, қайтарилмаган ҳолларда айбдор шахсларга нисбатан давлат жиноий жавобгарлик чораларини ҳам қўллайди.

Одатдаги шароитда қарз қайтарилмаган ҳолларда фуқаролик ишлари бўйича судлар тақдим этилган далилларга таянган ҳолда қарз суммасини ундириш тўғрисида ёки уни ундирилишини рад этиш тўғрисида қарорлар чиқариши мумкин.

Эътиборлиси, тилхат ҳар доим мақбул далил сифатида тан олинмаслиги ҳам мумкин. Жумладан, тилхатдаги хат ёки имзо тегишлилиги ёки тилхатнинг қалбакилаштирилганлиги ёхуд тилхат шахснинг маст ҳолатида, руҳий тушкунлик ҳолатида, ўз ҳаракатлари аҳамиятини англаб етмаган ҳолатида имзолаганлик каби вазлар келтирилганда ва суд томонидан ушбу вазлар асослилиги аниқланган ҳолларда даъво талаблари рад этилганлиги ҳолатлари ҳам мавжуд.

Суд амалиётидан бир мисол: даъвогар Эшмат С. нинг жавобгар Тошмат Б. га нисбатан тилхат бўйича қарздорликни ундириш ҳақидаги фуқаролик ишида жавобгар олган қарз суммасини даъво-

гарга қайтарганини таъкидлаб, бу ҳақда тегишли тилхатларни тақдим этган. Ўз навбатида, Эшмат С. бу тилхатлардаги имзо унга тегишли эмаслигини маълум қилган. Ҳолатга ойдинлик киритиш учун суд томонидан хатшунослик экспертизаси тайинланган. Мутахассислар тилхатдаги имзолар жавобгар томонидан “ясалганини” исботлашди.

Тилхат ёки нотариал тасдиқланган қарз шартномасининг қонунда кўрсатилган асослар бўйича ҳақиқийлиги юзасидан низолашилгандагина бундай ишларни битимлар билан боғлиқ келишмовчиликлар тоифасига киритиш мумкин.

Яна бир мисол: даъвогар Шавкат Н. жавобгарлар Замира Ф. ва Ботир Ч. га нисбатан судга даъво билан мурожаат қилиб, унда жавобгарлар 2018 йил апрель ойида 2 минг АҚШ долларини қарзга олиб, ойига 10 фоиз миқдорида фоиз тўлаш мажбуриятини олганини, қарз суммасидан 800 АҚШ долларини қайтариб, қолганини бермаганлигини кўрсатиб, асосий қарз ҳисобидан 1.200 АҚШ доллари ва унга ҳисобланган фоизлар – жами 45 млн. 674 минг 064 сўм ҳамда суд харажатларини ундиришни сўраган. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суднинг 2020 йил 14 январдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилган, жавобгарлардан солидар тартибда Шавкат Н. фойдасига 35 млн. 003 минг 046 сўм ундириш белгиланган. Бошқача ифодалаганда, суд Фуқаролик кодексининг 732 ва 734-моддаларига мувофиқ тақдим этилган оддий ёзма шаклдаги тилхатни тарафлар ўртасида тузилган қарз шартномаси деб топиб, қарздорлар ушбу Кодекснинг 735-736-моддаларида назарда тутилган мажбуриятларни бажариши шарт (қарзни қайтариш) деб ҳисоблаган.

Мазкур иш кўрилишида жавобгар тилхат ва унинг матнини инкор этмаган, шу боис ишдаги бошқа далиллар мажмуи билан баҳоланганда, муносабат қарз шартномаси ва ундан келиб чиқадиган мажбурият деб баҳоланган. Суд иш юзасидан хулоса қилишда ушбу тилхатларни мақбул далил сифатида баҳолаган.

Баъзан судга тақдим этилган тилхатларда сана кўрсатилмаган, матн дафтар варағига ёзилган, қарз шартномаси талабларига умуман риоя этилмаган ҳолда расмийлаштирилган, баъзан тилхатда ким томонидан қарз берилётганлиги, қарз кимга қайтарилиши кўрсатилмайди, ёзувлар тушунарсиз ва мавҳум йўсинда ёзилади ва ҳ.к. Гоҳо даъвогар пул маблағларини ўзи жавобгарларга берганини ваз қилиб келтирса-да, ушбу ҳолатни тасдиқловчи далилларни тақдим қила олмайди. Шу сабабли суд даъвогарнинг даъво аризасини қаноатлантиришни рад этади.

Фуқаролик кодекси 245-моддасининг 1-қисмига кўра, пул мажбуриятида (жумладан, тилхатда ҳам) у сўмлар билан чет эл валютасидаги муайян суммага эквивалент тарзда ёки шартли пул бирликлари билан (эко, «махсус қарз олиш



хуқуқлари» ва бошқалар) тўланиши лозимлиги кўзда тутилиши мумкин. Бундай ҳолларда сўмлар билан тўланиши лозим бўлган сумма тегишли валютанинг ёки шартли пул бирликларининг тўлов кундаги расмий курси бўйича белгиланади.

Фуқаролик кодексининг 327-моддасига кўра, бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолиш, қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечиктириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўланиши керак. Фоизлар миқдори кредитор яшайдиган жойда, кредитор юридик шахс бўлганида эса унинг жойлашган ерида пул мажбурияти ёки унинг тегишли қисми бажарилган кунда мавжуд бўлган банк фоизининг ҳисоб ставкаси билан белгиланади. Қарз суд тартибида ундириб олинганида, суд кредиторнинг талабини даъво қўзғатилган кундаги ёки қарор чиқарилган кундаги банк фоизининг ставкасига қараб қондириши мумкин. Аммо бу жавобгарлик тарафлар ўртасида тузилган шартномада қарздан фойдаланганлик учун неустойканинг бошқа тури назарда тутилмаган бўлсагина қўлланилади.

Яна бир ҳолатни таъкидлаш жоизки, Фуқаролик кодексининг 335-моддасига кўра агар кредитор қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли мажбурияти бажарилмаслигига ва шу туфайли етказилган зарар миқдори кўпайишига кўмаклашган бўлса, шунингдек, кредитор мажбуриятини бажармасликдан етказилган зарарни камайтириш чораларини қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли амалга оширмаган бўлса, суд ишнинг ҳолатига қараб, тўланадиган ҳақ миқдорини камайтиришга ёки кредиторга ҳақ тўлашни батамом рад этишга ҳақли бўлиб ҳисобланади.

Айрим ҳолларда даъвогарлар қарз суммаси қайтарилмаганлиги учун қарз суммаси билан бир қаторда ўзига етказилган маънавий зарарларни ҳам ундиришни талаб қилишади. Олий суд пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”-ги 7-сонли қарорининг 13-бандига биноан қарз шартномасидан келиб чиққан мажбурият пул мажбурияти бўлиб, уни бажармаганлик учун жавобгарлик Фуқаролик кодексининг 327-моддасида белгилангани сабабли қарз олувчининг шартнома бўйича мажбуриятини бузганлиги қарз берувчининг маънавий зарарни қоплаш ҳуқуқини истисно этади. Масала шундаки, қарз билан боғлиқ муносабатлар мулкый муносабатлар туркумига киради ва мулкый мажбуриятлар бажарилмагани маънавий жавобгарликни вужудга келтирмайди.

... Шунинг учун келгусида қарз шартномаси тузиш тартибига ўзгартириш киритиб, махсус ҳимояланган ва рақамланган бланкалар чиқариш (юз минг сўмдан бир миллион сўмгача; бир миллиондан ўн миллион сўмгача; ўн миллиондан эллик миллионгача бўлган ва ҳоказо қарзни расмийлаштириш учун махсус бланкалар чиқариш ва уни қарз шартномасини расмийлаштириш учун олинадиган бож миқдоридан келиб нархлаган ҳолда сотувга чиқариш) ва ушбу бланкалар – қарз варақаларини нотариал тасдиқланган қарз шартномасига тенглаштириш масаласини ўйлаб кўриш керак.

Яқинда Японияда сафарда бўлдим. Суд-хуқуқ соҳаси ходимларига қуйидаги саволни бердим: “Бизда пул билан боғлиқ мажбуриятларни бажармаганликка доир келишмовчиликлар сони низолар умумий сонининг катта қисмини ташкил қилади, сизларда қандай?” Улар узоқ ўйланиб қолишди ва жавоб қайтариш учун 2 кун вақт сўрашди. Белгиланган вақт ўтгач, улар яна узр сўраб, яна 1 кунгина муҳлат беришни, жудаям ҳижолатда эканликларини, аммо албатта жавоб қайтаришни айтишди. Ниҳоят, эртаси куни япон минг андиша, тортиниш билан менга юзланиб: “Албатта, ҳозир жавоб берамиз, лекин ундан олдин биттагина саволимизга аниқлик киритиб беринг”, – деди ва саволини айтди: “Сизларда олинган пулни қайтармаса, нега қарз олишади ўзи?”. Биласизми, қарзни қайтармаслик ҳолатлари кунчиқар ўлкада мутлақо учрамас экан – илгари ҳам, ҳозир ҳам. Саволимни дарҳол қайтариб олдим, чунки унинг саволига жавоб беришдан ожиз эдим. Хулоса ўзингиздан, азиз ўқувчи!

*Одамзодни хор қиладиган  
учта нарса бор. Шундан  
эҳтиёт бўлмоқ керак.  
Биринчиси – нодонлик,  
иккинчиси эринчоқлик ва  
учинчиси – золимликдир!  
АБАЙ*



**Омон  
МУХАМЕДЖАНОВ,**  
доктор юридических  
наук, профессор

## ШАГИ К ЭФФЕКТИВНОМУ ОБЕСПЕЧЕНИЮ ПРАВОСУДИЯ

*С момента обретения независимости и на сегодняшний день Узбекистан проводит последовательную и продуманную судебную-правовую реформу. Совершенствование судебной системы, как показала дальнейшая практика составляла важную часть проводимого в республике курса на осуществление демократических реформ, направленных на усиление мер надежной защиты прав и законных интересов граждан, эффективному обеспечению правосудия и повышению роли органов судебной власти. Логика осуществляемых в Узбекистане демократических преобразований в этой сфере, определялась тем, что это постепенные, поэтапные действия в осуществлении реформ; соответствие уровня демократических преобразований духу народа, его менталитету; опора на национально-исторический опыт; учет международных правовых стандартов и требований.*

Важнейшей программной задачей на нынешнем этапе развития нашей страны явились укрепление независимой судебной системы, защита прав и свобод человека. Характерной чертой данного этапа стали меры по дальнейшей демократизации и либерализации судебной-правовой системы, повышению авторитета суда, обеспечению исполнения судебных решений и получения квалифицированной юридической помощи. Это связано в первую очередь с принятием Указа Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г. № УП-4947<sup>1</sup>. В данном документе приоритетными направлениями дальнейшего реформирования судебной-правовой системы стали: повышение статуса, уровня материального стимулирования и социального обеспечения судей и работников аппарата суда, укрепление материально-технической базы судов; принятие действенных мер по недопущению неправомерного воздействия на судей; всемерная реализация принципов независимости и беспристрастности суда, состязательности и равноправия сторон судебного процесса; внедрение современных информационно-коммуникационных технологий в деятельность судов.

В апреле 2017 г. вступил в силу Закон Республики Узбекистан № ЗРУ-426

«О внесении изменений и дополнений в Конституцию Республики Узбекистан»<sup>2</sup>, содержащий принципиальные положения, направленные на реализацию задач, определенных в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 гг. Поправки в Основной закон страны были внесены в соответствии с указами Президента Республики Узбекистан от 21 октября 2016 г. № УП-4850 «О мерах по дальнейшему реформированию судебной-правовой системы, усилению гарантий надежной защиты прав и свобод граждан»<sup>3</sup> и от 21 февраля 2017 г. № УП-4966 «О мерах по коренному совершенствованию структуры и повышению эффективности деятельности судебной системы Республики Узбекистан»<sup>4</sup>.

В соответствии с указанными поправками Высший хозяйственный суд и Верховный суд объединены в единый высший орган судебной власти в сфере гражданского, уголовного, административного и экономического судопроизводства – Верховный суд Республики Узбекистан. В судебной-правовой системе был введен новый институт – Высший судейский совет Республики Узбекистан, заменивший ранее действовавшую Высшую квалификационную комиссию по отбору и рекомендации на должности судей при Президенте Республики Узбекистан.



Конституция наделила Высший судебный совет широкими полномочиями. Совет самостоятельно назначает и освобождает от должности судей военных судов, судов областей и города Ташкента, председателей и судей межрайонных, районных, городских судов.

31 мая 2017 года был принят Закон Республики Узбекистан № ЗРУ-430 «О внесении изменений в отдельные статьи Конституции Республики Узбекистан (ст.ст.80, 93, 108 и 109)»<sup>5</sup>. Закон направлен на реализацию задач по реформированию судебной системы отбора кандидатов и назначения на должности судей.

В целях совершенствования конституционного правосудия в рамках проводимой судебной реформы принят в новой редакции Закон Республики Узбекистан «О Конституционном суде Республики Узбекистан», который ввел новый порядок избрания Конституционного суда, уточнил и существенно расширил его полномочия<sup>6</sup>. Совершенствование института конституционного контроля в Республике Узбекистан означает дальнейшую реализацию на практике принципа разделения властей, воплощение в жизнь эффективного механизма охраны Конституции.

Важное значение в развитии и укреплении судебной власти имеет принятие Кодекса Республики Узбекистан об административном судопроизводстве<sup>7</sup>, который вступил в силу 1 апреля 2018 года и позволил унифицировать порядок осуществления административного судопроизводства при рассмотрении разрешении административных дел о защите нарушенных или оспариваемых прав, свобод и законных интересов граждан и юридических лиц. Административные суды, образованные указом Президента Узбекистана от 21 февраля 2017 года начали деятельность с 1 июня 2017 года. Для достижения целей административного судопроизводства на законодательном уровне определены следующие задачи административного процесса:

1) обеспечение доступности правосудия в сфере административных и иных публичных правоотношений;

2) защита нарушенных или оспариваемых прав, свобод и законных интересов граждан, прав и законных интересов орга-



низаций в сфере административных и иных публичных правоотношений;

3) правильное и своевременное рассмотрение и разрешение административных дел;

4) укрепление законности и предупреждение нарушений в сфере административных и иных публичных правоотношений.

Административное судопроизводство призвано обеспечить в рамках судебного административного процессуального законодательства в качестве вида судебной власти в сфере административных и иных публичных правоотношений с целью защиты прав граждан и организаций и реализацию других задач административного судопроизводства.

Особое место в процессе реформирования судебной системы занимают комиссии по содействию в обеспечении независимости судебной власти при Олий Мажлисе, Высшая школа судей, использование информационных технологий в деятельности судов.

Указ Президента «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности судов и повышению эффективности правосудия» от 24 июля 2020 года стал очередным шагом на пути развития судебно-правовой системы, усиления мер надежной защиты прав и законных интересов граждан, эффективного обеспечения правосудия. Ибо сохраняющиеся излишние бюрократические преграды в обеспечении судебной защиты, наличие дублирующих стадий пересмотра судебных решений, недостаточная организация судебной защиты прав инвесторов обусловили необходимость пересмотра существующей структуры судебной системы в соответствии с современными требованиями и международными стандартами.



Согласно Указу с 1 января 2021 года на базе областных и приравненных к ним судов по гражданским и уголовным делам и экономических судов определено образование судов общей юрисдикции Республики Каракалпакстан, областей и города Ташкента с сохранением строгой специализации судей и образованием отдельных судебных коллегий по видам судопроизводства общей юрисдикции. Данные организационно-структурные изменения в системе необходимы для устранения некоторых проблем действующей структуры областных судов, которые негативно сказываются на независимости, качестве и эффективности правосудия. В частности, ведение судами независимой друг от друга деятельности становится причиной того, что граждане и предприниматели, посещают разные суды и это занимает у них большое время. К тому же, наличие отдельных судов препятствует формированию единой судебной практики, а законодательные нормы порой трактуются судами по-разному.

Указ предусматривает передачу полномочий административных судов по рассмотрению дел об административных правонарушениях судам по уголовным делам, а также образование в центрах Республики Каракалпакстан и областей, Ташкенте межрайонных административных судов, специализирующихся на рассмотрении дел, вытекающих из административных и других публично-правовых отношений, с упразднением в этой связи районных (городских) административных судов. Всего в рамках указа должны быть оптимизированы более 200 районных и городских административных судов, на их базе в областных центрах создаются 14 межрайонных административных судов.

В соответствии с Указом упразднен институт рассмотрения судебных дел в порядке надзора, отменено право председателя Верховного суда, Генерального прокурора Республики Узбекистан и их заместителей

на внесение протеста в порядке надзора на решения, приговоры, определения и постановления суда. Внедрён порядок, согласно которому решения межрайонных, районных (городских) судов могут быть пересмотрены на основе апелляции областными и приравненными к ним судами.

В целях обеспечения защиты прав инвесторов Указ предусматривает образование в структуре Верховного суда Судебного состава по рассмотрению инвестиционных споров и дел о конкуренции, который уполномочен рассматривать инвестиционные споры, возникающие между физическими или юридическими лицами, осуществившими инвестиции в размере не менее суммы в эквиваленте двадцати миллионов долларов, и государственными органами. Это обусловлено тем, что инвестиционные споры по своей природе и сложности представляют собой сложную категорию дел, для их разрешения требуются дополнительные знания и опыт.

Безусловно, данный документ не только совершенствует судебную систему, но и повышает эффективность справедливого правосудия, обеспечивает надежную защиту прав и законных интересов граждан и предпринимателей, расширяет механизмы, сохраняющие их равенство и будет способствовать обеспечению принятия в разумные сроки справедливых и законных судебных решений, повышению качества рассмотрения дел в судах.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. См.: Собрание законодательства Республики Узбекистан. 2017. № 6, ст. 70.
2. См.: СЗ РУз. - 2017. №14, ст. 213.
3. См.: СЗ РУз. 2016. № 43, ст. 497.
4. См.: СЗ РУз. 2017. № 8, ст. 109.
5. См.: СЗ РУз. 2017. № 22, ст. 406.
6. См.: СЗ РУз. 2017. № 22, ст. 406; СЗ РУз. 2017. № 22, ст. 407, № 37, ст. 978.
7. См.: Национальная база данных законодательства, 26.01.2018 г., № 02/18/АПК/0627.



# ДОСРОЧНОЕ РАСТОРЖЕНИЕ ДОГОВОРА АРЕНДЫ ЗЕМЕЛЬНЫХ УЧАСТКОВ



**Нурбек УМАРОВ,**  
председатель  
Иstitиханского  
межрайонного эконо-  
мического суда

**Земля является общенациональным богатством, подлежит рациональному использованию и охраняется государством как основа жизни, деятельности и благосостояния народа.**

**Земельные отношения у нас в стране регулируются Земельным кодексом, а также иными законодательными актами Республики Узбекистан и Республики Каракалпакстана.**

